

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида:
УДК: _____

ХУДОЙҚУЛОВ ЖАМШИД НИШОНОВИЧ

**ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ
ЎУРУРНИ ТАРБИЯЛАШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН
ҒОЙДАЛАНИШ**

мавзусидаги 5А110901 - Педагогика мутахассислиги бўйича ёзилган
магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар: доц.А.Абдуманнотов

Самарқанд-2015

МУНДАРИЖА:

Кириш

I БОБ. ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ижтимоий зарурият сифатида

1.2 Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг ўрганилганлик даражаси

1.3 Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг мазмуни ва моҳияти

Биринчи боб юзасидан хулоса

II БОБ. ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МАЗМУНИ, ШАКЛ ВА МЕТОДЛАРИ

2.1 Ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларни миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол усуллардан фойдаланиш

2.2 Аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларда миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари

Иккинчи боб юзасидан хулоса

III БОБ. ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ТАРБИЯЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

3.1 Тажриба-синов ишларини ўтказиш методикаси

3.2 Тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги: Мустақиллик йилларида маънавий жихатдан етук, жисмоний бақувват, ақлан теран, жамиятдаги ўзгаришларни, янгиликларни ўз вақтида илғаб оладиган инсон капиталини яратиш концепцияси илгари сурилди. Ватанимиз мустақиллигини маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод қалбига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат, миллий ғурур туйғуларини сингдириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Миллий ғурури бор, миллий ифтихор туйғусига эга бўлган инсон эл-юрт, миллат манфаатлари йўлида хизмат қилади. Ватан равнақи, келажаги учун қайғуради, оғир дамларда елкадош бўлади, қийинчиликлар олдида эсанкирамайди, довдираб қолмайди. Шахсий манфаатларини Ватан ва халқ манфаатлари билан уйғунликда ҳал қилади. Миллий ғурури юбор инсоннинг ор-номуси, иймон-эътиқоди бутун бўлади. Халқимизда, шу жумладан, ёшларимизда миллий ғурурни тарбиялаш учунларда халқимизга, она тилимизга, миллий тарихимизга, маданиятимизга меҳр-муҳаббатни шакллантиришимиз лозим..

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида “Тарих ҳақиқати шуни кўрсатмоқдаки, томирда миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади”¹, -деб таъкидлаган эди.

Ғурур-бу фахрланиш. Ҳар бир шахс ўзининг ютуқларидан мамнуният ҳиссини туяди. Ота-она қобил фарзандларидан, устоз истеъдодли шогирдларидан, ёзувчи яхши асаридан, боғбон сўлим боғи билан фахрланади. Инсон ўз кучига ишонган ва бу билан фахрлана олгандагина бирор нарсага эриша олади. Бу кадр-қимматни англаш ақлли, эс-хушли одамни янада камтарин, янада саботли қила олади. Ўз-ўзлигича қолган одамнинг ғурури бутундир.

Миллий ғурур-бу миллий ифтихор. Миллий ифтихор миллат ўзини яхлит

¹ И.А.Каримов ,ксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. Маънавият нашриёти. 2008 й. 176 б.

ижтимоий бирлик эканлигини онгли равишда ҳис қилишидир. Бу шундай бир кучли руҳий ҳолатки, у туфайли тарихий бирлик, қон-қариндошлик, тил, маданият, маънавият, иқтисодий ҳаёт ва келажак бирлиги миллат вакиллариининг қалбидан чуқур ўрин олади. Миллий ифтихор миллат маънавий келажакининг барча жиҳатларини, мероси ва бугунги қадриятларини ўз ичига олади. Мустақиллик натижасида эришилган иқтисодий ва маънавий ютуқлар кўпайган сари Ўзбекистон билан фахрланиш ҳисси-миллий ифтихор шунчалик кучайиб бораверади. Миллий ифтихор мамлакатимизнинг барча фуқаролаври учун бирдек тегишли ва баробар масъул.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмиш мафкуравий қарашларидан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берадиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизимининг инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш имкониятларига таяниш мақсадга мувофиқлигини ифода этиб, ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутати.

Дастурда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири шахс эканлигига урғу берилиб, “шахс-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи” эканлиги ва давлат томонидан шахсни тарбиялаш, уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишонч» номли асарида кенг жамоатчилик, олим, шоир ва ёзувчилардан мафкура масаласига жиддий аҳамият беришни талаб этиб, жамият олдида турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш эканлигини таъкидлади. Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси негизида ёшлар, жумладан, ўқувчиларни аждодларга, уларнинг турмуш тарзи, эътиқодлари ва ҳаётий

ёндашувларига муносиб этиб тарбиялаш ғоялари ётади.

Мустақиллик халқимиз ҳаётига сўз ва фикр эркинлигини, шу билан бирга илгари таъқиқлаб келинган кўпгина “миллий ифтихор”, “миллий ғурур” каби тушунчалар ўзининг ҳақиқий мазмунига эга бўлмоқда. Асрлар давомида шаклланиб келган ва собиқ иттифоқ даврида йўқолиб бораётган миллий қадрият ва миллий ғуруримиз қайтадан тикланмоқда.

Миллий ғуруримизни ўз ҳолига келтириш ва ривожлантиришда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари, миллий байрамлари, бой қадимий мероси муҳим аҳамиятга эга. Маданий-маънавий меросимиз, асрий анъаналаримиз авлод-аждодларимиздан бизларга етиб келган, бугунги ҳаётимиз учун хизмат қилаётган энг катта маънавий бойлик, буюк хазинадир.

Миллий ғурурнинг ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? “Мустақиллик изохли илмий-оммабоп луғати”¹ида – миллий ғурур тўғрисида қуйидаги фикрлар билдирилган.

- Миллий ғурур – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфияти. Бу туйғу ўз она заминида, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон сивилизасиясига қўшган ҳиссаларидан, ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-еътиборидан фахрланиш ҳиссиётидир. Миллий ғурур ўз миллатининг чинакам фидойиси бўлган ҳар бир инсонга хос ички руҳий туйғудир. Ўз миллатини севадиган ҳар бир инсон, унинг ютуқлари обрў-еътибори билан фахрланади, завқланади, унинг муаммоларига бефарқ қараб тура олмайди. Миллий ғурури юксак инсон ўз элига, миллатига жонкуяр бўлади, унинг ютуқларидан қувонади. Миллий ғурур ҳар бир инсонда ўз миллатининг моддий, маънавий меросларини ўзлаштириш, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини ва тарихини мукамал билиши ҳамда уни ўзга миллатларники билан қиёслаш натижасида шаклланади. Натижада унда ўз миллатига меҳр-муҳаббат ошиб боради.

¹ Mustaqillik izohli ilmiy-ommabop lug'ati.// Mualliflar: M.Abdullayev va boshqalar. –Т.: “Sharq”, 1998 y, -320 b.

Миллий ғурури мустаҳкам бўлган миллат вакиллариининг кучи билан енгиш мумкин эмас, уни маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам енгиб бўлмайди. Унинг ички руҳий қудрати миллат қадрини кўтаришнинг енгилмас салоҳияти сифатида сақланиб қолади ва миллатни ривожлантиришнинг мустаҳкам замини бўлади.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққит йўли” асарида “Давлатимиз рамзлари – байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш – ўзини қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг шон-шухратини оширади... Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлилигига асослангандир. Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарликка интиламиз”¹ – деб таъкидлаган эди.

Шундай экан, республикаимизда Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантириш муҳим вазифалардан биридир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун, узлуксиз таълим тизимига, шу жумладан педагогика педагогика коллежлари ўқувчиларида ҳам миллий ғурурни шакллантиришга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиш лозим. Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантириш уларни баркамол шахс сифатида намоён этишда ҳам зарур.

Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантириш ва ривожлантириш нафақат педагогик-психологик муаммо, балки ижтимоий аҳамиятга моликдир. Ўқувчилик даврида миллий ғурурни шакллантириш мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш ҳамда ривожланишига ёрдам беради. Шу

¹ Karimov I.A. O'zbekiston buyuk kelajak sari. –T.: “O'zbekiston”, 1998 y., 63-64 betlar.

боис, бўлажак кичик мутахассисда миллий ғурурни тарбиялашга оид сифатарни шакллантириш жараёнининг педагогик асосларини ишлаб чиқилганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Президентимиз И.А.Каримов “Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини, миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятинида тенглардан бир сафида идрок қилувчи ҳақиқий инсон ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас”, - деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимиз ёшлари миллий ва умуминсоний ғурур руҳида тарбияланган, ўзининг инсоний бурчини, масъулиятини тушуниб етган, ўз ватани, миллат фаровонлиги учун хизмат қила оладиган, иймонли, эътиқодли шахс бўлиб ўз ватанининг янада ривожланиб тараққиё этишида муносиб фарзандлик вазифаларини оқлаётганлиги ҳаммани қувонтиради.

“Бизнинг аجدодларимиз ҳамиша узоқни кўзлаб яшаган. Миллат, ватан, халқ истиқболи деган муқаддастшунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг ҳаётимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор. Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод Ватан қолдирайлик”, - деб таъкидлаган юртбошимиз кўп бора ҳақлидир.

Муаммонинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги орасида фақат Ўзбекистон ўз маънавий сиёсатида эга давлат. Ушбу сиёсат давлатимиз раҳбари томонидан миллий минталитетимизга асосан ишлаб чиқилган. Шу маъно бугун миллий тарбия жараёнини кучайтириш керак. Миллий тарбиянинг уч негизи бор: жисмоний тарбия, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия. Таълим – тарбия ва маънавий-маърифий соҳалардаги барча ишларимиз шахснинг ана шу жиҳатларини ўстиришга қаратилмоғи керак. Бунинг учун биздан кўплар ҳавас қиладиган кучли бир пойдевор-улкан маънавий меросимиз бор. Тарихга назар солсак, барча даврларда ҳам шу

даврининг мутафаккирлари ўз прогрессив ғоялари билан тўғри йўлни кўрсатиб берганлар. Жумладан, Имом Бухорий, Мотурудий, Форобий, Абдухолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Бурхониддин Рабғўзий, Улуғбек, Алишер Навоий, Хожа Аҳрор Валий, Мирзо Бобур, Махдуди Аъзам Деҳлавий, Бобораҳим Машраб, Огаҳий ва бошқалар турли даврларда халқ маънавиятини яоғлом сақлаб қолганлар. Улар халқимизни миллий ғурур асосида тарбия қилиб, уларнинг онг ва қалбини сохта ғоялар, ноинсоний тушунчалар ва қарашлардан ҳимоя қилишган.

Педагогика коллежи ўқувчиларида аجدодлари ва бугунги давр қаҳрамонларининг фаолияти, дунё илм-фани, маданиятига қўшган ва қўшаётган ҳиссалари билан фахрланиш, ғурурланиш туйғусини шакллантириш, узлуксиз таълим олдига қўйилган ижтимоий вазифадир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Президент И.А.Каримов асарларида миллий-маънавий қадриятлар мустақиллик йилларида миллий қадриятлани қайта тиклаш йўлида олиб борилган амалаий ишларнинг мазмуни, унда шахсда миллий ғурур туйғуларини намоён бўлишини мужассам этган ғоявий-маънавий меросни ўрганиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Сиёсатшунос, тарихчи, файласуф, адабиётшунос олимлардан А.Азизхўжаев, С.Атамуротов, Ш.Бахронов, Н.Жўраев, А.Жалолов, Э.Юсупов, Ж.Туленов, О.Шарофиддиновларнинг илмий-тадқиқот ишларида, дарслик, ўқув қўлланмаларида ва илмий мақолаларида шахс камолоти, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш билан боғлиқ жиҳатлар таҳлил этилган.

Педагог олимлардан М.Иномова, С.Булатов, М.Қуронов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Н.Ортиқов, С.Очиловларнинг илмий-тадқиқот ишларида шахснинг маънавий-хулқий сифатларини тарбиялаш масалалари етарлича ўрганилган.

Педагогика фанлари доктори Рўзиева Дильноз Исомжоновнанинг “Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари” мавзусидаги тадқиқот ишида

олий таълим муассасаларида талаба-ёшларни миллий ифтихор руҳида тарбиялаш муаммоларини ўрганган. Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Сабаби бугунги кунда Республикамизда 1394 та касб-ҳунар коллежида 1 млн. 494 минг 27 нафар ўқувчилар таҳсил олишмоқда. Бу ёшларга 113 мингдан кўпроқ ўқитувчи ва техник ходимлар ўрта махсус таълим тизимида ёшларга 217 та касб, 590 та ихтисослик бўйичамутахассислар тайёрлашда фаол иштирок этмоқдалар.

Педагогика коллежларида таҳсил олаётган ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири. Чунки, миллий ғурури бўлган ёшлар мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўша олади.

Муаммонинг долзарблигини асослаш, тадқиқот мавзусини “Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол усуллардан фойдаланиш”, - деб ифода этишга ёрдам беради.

Тадқиқот муаммоси педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ўйича иш услублари, шарт-шароитлари, шакл ва мазмунини аниқлашни талаб қилади.

Тадқиқот мақсади: педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол усуллардан фойдаанишни такомиллаштиришга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқиш:

Тадқиқот объекти: педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол усуллардан фойдаланиш жараёни.

Тадқиқот предмети: педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг мазмуни, шакл ва методлари.

Тадқиқот вазифалари:

- ❖ Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ижтимоий зарурият эканлигини асослаш;
- ❖ Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг

ўрганилган даражасини аниқлаш;

❖ Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганиш;

❖ Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашни ўрганиш;

❖ Аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларда ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини таҳлил қилиш;

❖ Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол усуллардан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий фарази: агарда:

🚦 Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ижтимоий зарурият эканлиги асосланса;

🚦 Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг ўрганилган даражаси аниқланса;

🚦 Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг мазмуни ва моҳияти ўрганилса;

🚦 Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашни жараёни ўрганилса;

🚦 Аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларда ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини таҳлил қилинса;

🚦 Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол усуллардан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилса.

Тадқиқот методлар: илмий-назарий таҳлил; тарихий-қийёсий таҳлил; анкета, савол-жавоб, суҳбат, интервью; кузатиш; педагогик тажриба; математик-статистика.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

➤ Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ижтимоий зарурият эканлиги асосланди;

- Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг ўрганилган даражаси аниқланди;
- Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг мазмуни ва моҳияти ўрганилди;
- Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашни жараёни ўрганилди;
- Аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларда ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини таҳлил қилинди;
- Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол усуллардан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти: тадқиқотда илгари сурилган муҳим назарий ғоялар ижтимоий-гуманитар фанлар (Ўзбекистон тарихи, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Маънавият асослари, Умумий педагогика) курслари мазмунини ғоявий жиҳатдан ривожлантиради, илгари сурилган ғоялар ўқувчиларда мустақил фикрлар кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: ишлаб чиқилган услубий тавсиялар педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга оид дарс ва тарбиявий тадбирларнинг ишланмалари ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчиларини методик манбалар билан таъминлайд, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади, илмий-услубий, оммабоп мақолалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги: ўрганилаётган муаммога илмий-педагогик ёндашув, унинг мақсади, вазифа ва амалий фаразларига мос келувчи методлар фойдаланиш, тажриба-синов майдонлари олий таъли муассасалари талабаларида миллий ғурур туйғусини шакллантиришга йўналтирилган педагогик тажрибаларнинг самарадорлик даражаси ўз ифодасини топган синов натижалари ҳамда мавзу юзасидан чоп этилган илмий ишлар мазмунига кўра тасдиқланди.

Ишнинг синовдан ўтиши: тадқиқот иши юзасидан тажриба-синов ишлари 1-сон Самарқанд педагогика коллежида олиб борилди.

Тадқиқот босқичлари:

Биринчи босқич (2013 йил сентяб-2014 йил март) – мавзуга оид илмий-педагогик, тарихий, фалсафий, психологик адабиётлар, Марказий Осиё мутафаккирларининг баркамол инсон тарбияси ҳақидаги қарашлари, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида миллий ғурур туйғусини тарбиялаш борасидаги мавжуд ҳолат ўрганилди, тажриба майдони аниқланди, тажриба-синов ишларига жалб этиладиган респондентлар сони белгиланди, улар асосида тажриба-синов гуруҳлари шакллантирилди, тажриба-синов ишларининг дастури ва режаси ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқич (2014 йил апрель-2015 йил февраль) – тажриба-синов ишлари амалга оширилди, педагогика коллежи фаолиятини доимий таҳлил қилиш, тажриба ишлари, респондентларнинг фаолиятини кузатиш, педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурур туйғусини тарбиялашга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларнинг самарадорлиги оширилди, тажриба-синов ишлари умумлаштирилди, таҳлил этилди ва статистик таҳлил ёрдамида якуний натижаларнинг ҳуққонийлиги ўрганилди.

Учинчи босқич (2015 йил март-июнь) шакллантирилган назарий ғоялар ва амалий тажриба натижаларини ўзида акс эттирувчи материаллар тўпланди, жамланган материаллар асосида диссертация шакллантирилди, диссертация бўйича автореферат тайёрланди, улар тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида расмийлаштирилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар:

- Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ижтимоий зарурият эканлиги;
- Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг мазмуни ва моҳияти;
- Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш жараёни;

➤ Аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларда ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари;

➤ Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол усуллардан фойдаланиш.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши: кириш, уч боб, 7 фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг илмий назарий асослари

1.1 Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ижтимоий зарурият сифатида

Педагогика изоҳли луғатида “Миллий ғурур халқни халқ, миллатни миллат қилиб кўрсатади. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли ўзбек халқининг миллий ғурур туйғуси жаҳон бўйлаб қад кўтарди. Жаҳон халқлари орасида Ўзбекистон тенглар ичида тенг бўлди. Эндиликда замини ҳосилдор, саховатли, меҳнаткаш, шон-шўҳрати юксак бўлган ўзбек халқини буту дунё тан олди. Ўзбекистон фуқароларининг ҳаёти эрки, шаъни, кадр-қиммати муқаддас саналиб, улар давлат томонидан ҳимояланмоқда. Ўзбек халқининг маънавий ҳаётида ўзгаришлар юз берди. Она тилимизга давлат тили мақоми берилди. Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад ал-Фарғоний, Ғиждувоний каби улуғ боболаримизнинг руҳини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби халқимиз фарзандларининг номи, иззат-икроми, ҳурмати жойига қўйилди. Умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди. Юртимизга халқ севган Наврўз қайта кириб келди, Рамазон, Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Миллий ғурур туфайли динга муносабатимиз ўзгарди. Қуръони Карим, Ҳадиси шарифлар ҳаётимизга қайтадан мазмун бағишлай бошлади. Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ривожланди”.

Шунингдек ушбу луғатда тадқиқотчилар Н.Досанов ва Т.Султоновлар миллий ғурур ҳақида фикр юритиб: “Миллий ғурур-шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўзлигини англаши асосида шаклланадиган аجدодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборини фахрланиш ҳиссини фиодаловчи тушунча. Бу туйғу қуйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари,

қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён қилиш.

Мустақиллик кишилар миллий ғурурини ошириш, уни уни халқ, Ватан, аجدодлар хотираси олиддаги масъулиятини ҳис қилишдек мазмун билан бойитмоқда”,-деб эътироф этади. []

Шунингдек, убу манбада педагог олим Бўри Зиёмуҳаммедов миллий ғурур ҳақида шундай дейди: “Ҳар қандай одамда инсоний ғурур бўлади. Бу киши ўзини онгли мавжудод сифатида ҳис қилишдан келиб чиқиб, ҳар бир мустақил бажарилган ҳаракатидан, ишидан, фаолиятидан мамнун бўлиши орқали намоён бўлади. Буни инсоний ғурур дейилса, ўзини маълум бир халққа, миллатга тааллуқли эканлигидан қониқиш ҳис этиш, мамнун бўлиш, миллий ғурур дейилади. Бу ижтимоий сифат киши фаоллигини оширувчи асосий омил бўлиб, инсонни эзгуликка, яхшиликлар қилишга ундайди”, -деб эътироф этади. [].

Педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов ўзининг “Мақтаб маънавияти ва миллий тарбия” номли монографиясида “Миллий ғурур-ўзининг ўзбеклигини англаш; ўз халқи анъаналари, маданиятини билиш даражаси; она тилида соф тўғри сўзлаш; ўзининг миллат фарзанди сифатидаги бурчларини англаши; халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш; миллий қаҳрамонларни ҳурмат қилиш ва уларга тақлид қилиш; ўзбек санъатига муносабати; умуминсоний муносабатларга муносабати; манқуртлик; миллий қадриятларга ҳурматсизликка салбий муносабат; аجدодлар ўғитига амалий вафодорлик”, деб таъкидлаган []

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари тўғрисида тўхталиб, унинг тўртта асосий негизга асосланишини кўрсатиб ўтган эди. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; ва

- ватанпарварлик.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллагидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркимол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, улканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайгуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг мудим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади.

Халқнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши дар бир ўзбекистонлик учун муқаддас мазмун касб этаётган мустақил Ўзбекистоннинг янги давлат рамзларида ўз ифодасини топмоқда!

Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишпарини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга

қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шухратини оширади.

Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига чуқур ҳамодангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаб обрўсини мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳурмат-еҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларнинг номус-ориға, чуқур эҳтиромға, инсоннинг шахсий виждонига, бурчға ва ўз сўзига содиқликка бориб тақалади. Кишиларимизнинг ватанпарварлиги ҳамма вақт севимли халқнинг шон-шарафи, кадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда ўз ифодасини топиб келди, Баъзида ҳаётда қийин вазиятлар бўлади, баъзан адолатсизлик ва ранж-алам эзади, лекин жаҳл устида она-Ватанни, ватандошларни ҳақорат қилиш — бу бориб турган шаккокликдир. Буни халқ асло кечирмайди.

Ўзбек халқининг юксак миллий кадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлилигига асослангандир. Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарликка интиламиз.

Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги - ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради.

Ўзини ўзбек миллатининг вакилиман деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон авлод-аждодларимиздан қолган такрорланмас бой моддий ва маънавий меросдан, жаҳон сивилизасиясига қўшган буюк ҳиссаларидан, уларнинг чинакам ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасорат ва мардликларидан фахрланади ҳамда уларнинг анъаналарини давом эттириш руҳиятига эга бўлади. Бугунги кунда Ватанимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ҳар бир ўзбек миллати вакилининг миллий ғипйрини оширди, унинг қаддини кўтарди ва унда ўз халқи, она замини, авлод-аждодлар олдида миллат манфаатларини ҳимоя қилишдаги масъулиятини ҳис қилиш руҳиятини шакллантирмоқда. Ўзбек миллатининг ўз Ватани мустақиллигидан фахрланиш туйғусининг ўсиб бориши янги жамият қуриш жараёнида вужудга келган муаммоларни вазминлик билан ҳал этиш ва Ўзбекистоннинг жаҳонда обрӯ-еътиборини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Чунки миллий ғурур фақат фахрланиш руҳияти бўлиб қолмай, миллат тақдири, келажаги юлидаги масъуллигини ҳис эта билиш салоҳияти ҳамдир.

Мустақиллик кишилар миллий ғурурини ошириб, уни халқ, Ватан, аждодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қилишдек мазмун билан бойитмоқда. Бундай шароитда ўзбек халқининг мустақиллигидан фахрланиш, жамиятда озод, фаровон ва эркин ҳаётни яратиш йўлида меҳнат қилиш, фаоллик кўрсатиш, жаҳон ҳамжамяти томонидан илм-фан, техника ютуқлари, илғор технологиялардан фойдаланиш миллий ифтихор туйғусини шакллантирадиган, ривожлантирадиган омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш авлоднинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини белгилайди, уларни соғлом миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади. Бу сафарбарлик ва миллий ифтихорни ўсиб келаётган ёш авлодда қарор топтириш учун олий таълим тизими катта имкониятларга эга. Чунки бугунги кунда ушбу масканларда ўзбек халқининг ўтмиши, аждодларнинг бой маънавий мероси, бугунги бунёдкорлик фаолияти кенг кўламда ўргатилмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатини инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришни назарда тутди. Модомики, давлат баркамол шахсни тарбиялашни талаб этар экан, бу маънавий қадриятлар, маънавий мерос, миллий ифтихорнинг аجدодлар сиймосида намоён бўлганлигини англаб етиши, бу туйғуни ўзида сингдира олиши, жамиятда бу йўлда кенг кўламли маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш керак.

Зеро, "Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин".

Миллий ғурур масаласи истибдод даврида барча миллатларда, шу жумладан, ўзбек миллатида, энг камситилган ва онгли равишда ҳукмрон мафкура томонидан заифлаштирилган миллий ҳис эди. Чунки, миллий ғурурнинг ўсиши, мустаҳкамланиши истибдод тузумининг миллатларни жадаллик билан яқинлаштириш ва қўшиб юбориш сиёсатига зид эди. Холбуки, миллатнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолияти кўп жиҳатдан миллий ғурурра боғлиқ. Ўз миллатини таниган, унга мансуб эканлигидан мағрур кишигина бу мағрурлик ҳиссини сақлашга, мустаҳкамлашга ва ўз миллатининг пастлашиб, қолоқлик гирдобида қолиб кетмаслиги учун курашдек олижаноб ишга ўзини доим сафарбар этади.

Афсуски, чоракам бир аср давом этган истибдодлик тизимининг тарғиботи ва ташвиқоти кишиларга салбий таъсир этмасдан иложи йўқ эди. Шунинг оқибатида миллий ғурур бўшашди, кишилардаги миллий ғурур тушунчаси кўп жиҳатдан ўз сифатлари ва қирраларини йўқотди. Миллий ғурурни мустаҳкамлаш ва бойитиш учун, биринчидан, ўз тарихимизни, халкимизнинг инсоният олдидаги хизматларини яхши билишимиз; иккинчидан, ҳозирги ҳаётимизда юксак миллий ғурурра эга бўлишга ҳақли эканимизни кундалик сифатли меҳнат, жаҳон андозалари ва мезонларига жавоб бера оладиган хилма-

хил маҳсулот ишлаб чиқаришимиз, мазмунли маънавий ҳаётимиз билан тасдиқлаб боришимиз зарур. Миллий ғурур ўз миллатини бошқа миллатларга қарши қўйишни инкор этади. Бошқа миллатларнинг барча ютуқ ва илғор томонларини қабул қилиб олиб, миллий асосда ўзлаштириш миллий ғурурнинг таркибий қисмидир. Бунингсиз миллатнинг миллий ғурури қашшоқлашади.

Абдурауф Абдурахмон ўғли Фитрат ҳам ўз Ватанини севади, у билан фахрланади, уни ҳар нарсадан муқаддас тутди ва ёшларни Ватанни севишга, ардоқлашга чорлайди. У "Сайҳа" тўпламидаги шеърларидан бирида шундай ёзади:

Ватанни зиёрат қилмоққа

Ерта тонгда кел.

Ҳай-ҳай қандай Ватан бу!

У менинг саждагоҳим,

Осойишим, иззатим, шарафим,

Ҳам каъбам, ҳам қалбим,

Ҳам чаманимдир.

Бу мисралар ватанпарварликнинг юксак намунаси бўлиб, ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда алоҳида қимматга эга. Муаллиф Ватаннинг равнақ топиши учун ёшларни дунёвий илмларни эгаллашга даъват этади, бу йўлда ўзи фидойилик намунасини кўрсатади.

Фитратнинг фикрича, ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши учун у соғлом фикрли ва пок ахлоқли бўлмоғи керак. Ҳар миллат ўз келажагини ўйлар экан, ёшларга эътиборини қаратмоғи, уларни мунтазам жисмоний, ақлий, руҳий томонидан чиниқтирмоғи лозим.

Мунавварқори Абдурашидхон ўғли болаларга атаб ёзган асарларида Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат, инсонийлик, тўғрилиқ, меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантиришга эътибор берган. Унинг фикрича, Ватанни севиш, унинг гуллаб яшаши учун меҳнат қилиш ва улғайиш зарур. Шу сабабли аллома болалар қалбига Ватан гўзаллигини сингдириб, уларни Ватан олдидаги фуқаролик бурчини юксак даражада бажарадиган кишилар қилиб камол

топтиришни, Ватан ўз фарзандларидан нажот кутиб турганлигини таъкидлайди.

Миллий ғурур масалалари, истибдод тузумининг таъсирида, «қалтис» мавзулар қаторидан жой олган эди. Вахоланки, миллий ғурури йўқ, киши ўз миллатининг ва бошқа миллатларнинг ҳаётига, ўтмишига, уларнинг инсоният олдидаги хизматларига қизиқмайди ва шу сабабли ё ўз миллатини, ё бошқа миллатларни ҳурмат қилмайди. У — «умуман инсон» ва шундай бошбошдоқлик сабабли ўз билими, салоҳияти ва куч-қувватини сочиб, тараққиётга хизмат қилолмайди.

Мустақил Ўзбекистонда фуқароларимизнинг миллий ғурурини кўтариш, бойитиш ва мустаҳкамлаш - энг долзарб, мураккаб ва бажарилиши зарур вазифалардан биридир.

О.Мусурмонова "Оила маънавияти миллий ғурур" номли асарида ўзбек оиласи кўп асрлик тарихга эга бўлиб, бола тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтган. Муаллиф таъкидлаганидек, "Оила инсонларнинг табиий-биологик, физиологик, иқтисодий, ҳуқуқий-қонуний, маънавий-ахлоқий алоқа муносабатлари асосида қурилган ижтимоий бирликдан иборатдир. ... У жамиятнинг ажралмас бир бўлагидир. ... Оила тарбияси биринчи навбатда, ота ва она зиммасига тушади. Болалар тарбиясига асосий таъсирчан куч-қудрат, бу онадир. Бу ўзбек оилалари тарихидан маълум бўлган ҳақиқат ва ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган анъанадир. Оила ва унинг моҳияти, оиланинг ҳар томонлама жипслигини таъминлаш шарт-шароитлари, оила тарбияси-миллий ифтихордир".

Муаллиф ўзининг "Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси" номли қўлланмасида узок йиллар давомида мактабларда олиб борган кузатиш ва тажрибаларига суянган ҳолда умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт ва турмуш одоби фанларини ўқитиш жараёнида умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигини таъминлаш усуллари баён этади.

Қўлланмада шахс маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари, маънавий қадриятларнинг тарбиявий имкониятларидан синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида фойдаланиш, дарс

моҳиятини ёритиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтган. Юқори синф ўқувчиларининг маънавий маданиятини шакллантиришда амал қилиш лозим бўлган педагогик шартлар санаб ўтилган. Қўлланманинг муҳим жиҳати шундаки, муаллиф унда маънавий маданиятни шакллантириш йўллари аниқ мисолларда ифода қилган.

М.Қуронов Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари, шу жумладан, таълим тизимида ҳам ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги, мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш тизими педагогика фани олдида мураккаб вазифаларни қўяётганлиги, таълимнинг барча бўғинларида ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни, методларига боғлиқ бўлган муаммоларни бажаришга киришилганлиги ҳақида ўз муносабатини билдириб, миллатлараро аҳилликка миллий маданият ва ўзбекона ватанпарварлик, ғурур ва ифтихор туйғуларини умумфуқаровий даражада ривожлантириш орқали эришиш мумкинлиги, ҳар бир халқнинг маънавий ва маърифий гуллаб яшнаши - умуминсоний камолот, уйғунликни ҳосил қилиши, ўқувчиларнинг Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий ғурури, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоби, миллий мафкуравий онглилиги каби фазилатлар, уларни қарор топтириш йўллари кўрсатиб беради.

Бу ўринда муаллиф қуйидагиларни ёзади: "Миллийлик-қадриятдир. Миллийликни ўзида мужассамлантира олган ҳар бир инсон - миллий донишмандлик вакили, у ота-боболаридан мерос қолган ўз миллий қадриятларига чуқур ҳурмат билан қарайди, жон дили билан тарғибот қилади. Миллий қадриятларга эътиборсизлик, ҳурматсизликни кўрганда ранжийди, ҳимоя қилади. ...

Психология фанлари доктори, профессор эргаш Ғозиев ўзининг “Миллий мафкура ва миллий ўзлигини англаш” мақоласида ўзбек миллатининг ғурури, миллий ифтихори қуйидагиларда яққол намоён бўлиши мумкин:

—она диёримизнинг кўп минг йиллик буюк тарихий ўтмишида;

—унинг Шарқ маърифатпарварлиги, жаҳон сивилизасиясига қўшган

бекиёс ҳиссасида, эгаллаган мавқесида;

—жаҳон тан олган фан, дин, адабиёт, санъат даҳоларида, давлат ва жамият арбобларида;

—бебаҳо маданият, санъат, меъморчилик ёдгорликларида;

—ўзбек халқининг она тилига, миллий урф-одатларига, анъаналарига, расм-русумларига содиқлигида;

—ўзбекларнинг ислом маданиятига мансублигида;

—мамлакатнинг табиатида, иқтисодий қудратида;

—кўп миллатли халқнинг истиқлолга, буюк келажакка ишонч туйғусида;

—фуқароларнинг фан ва техника, маданият тараққиётига иштиёқида, интилишида;

—халқаро ҳамжамият тан олишида ва нуфузи ортиб боришида;

—тинчлик барқарорлигида, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини собитқадамлик билан олиб бораётганлигида ва ҳоказо.

Миллий истиқлол мафқурасининг ўз узвий таркибий қисмини бой маданий меросимиз ташкил қилади. Маънавиятимиз хазинаси дурдоналаридан баҳраманд бўлган соғлом ёш авлод руҳан тетик, ақлан донишманд, жисмонан енгилмас баркамол инсон сифатида шаклланади.

Худди шу боисдан ёшларда миллий ҳис-туйғу, миллий юриш-туриш, миллий таъб, миллий характер, миллий қиёфа хусусиятларини таркиб топтириш миллий ўзлигини англашни тезлаштиради. Уларни ўзбек халқининг миллий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумларидан бохабар қилиб бориш муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Мустакиллик, истиқлол мафқураси ватан, халқ манфаатига садоқат, миллий маънавиятга, илм-фан ва маданият юксалишига муҳаббат, шахс истеъдоди, фаоллиги, эркига зўр ҳурмат, бошқа халқларга дустлик, биродарлик туйғусига самимиятни шакллантириш лозим.

Тадқиқотчи Башорат Ҳакимова ўзининг “Ўқувчиларни миллий ғурур руҳида тарбиялашда ўқитувчиларни тайёрлаш” мақоласида миллий ғурурни шакллантиришда билим олиш, маънавий меросни эгаллаш, халқ амалий санъати, миллий урф-одатлар, иқтисод, дин, келажакка ишонч, умуминсоний

қадриятлар, истиқлолни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган. Муаллиф ушбу йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар бўлажак бошланғич синф ўқитучиларини ўқувчиларни миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга тайёрлаш билан чегараланиб қолмай, балки Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори ҳисобланган – баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтган.

Таниқли олимлар Абдуқаҳҳор Ибрагимов, Хайриддин Султонов, Нарзулла Жўраевлар ўзларининг “Ватан туйғуси” деб номланган китобида “ғурур”, “ифтихор” масалаларига алоҳида тўхталиб ғурурнинг ва ифтихорнинг шахс ҳаётидаги ўрнига етарлича эътибор берган. Шунингдек, файласуф олимлар Абдулҳафиз Жалолов ва Кўчқор Хоназаров умумий таҳрири остади яратилган “Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати”да миллий ғурур масалаларига ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган.

Фалсафа фанлари номзоди, досент Гулмира Туленова “Миллий онг ва миллий ифтихор ўсишининг тарбиявий аҳамияти” мавзусидаги илмий мақоласида “Миллий онг, миллий ғуруримиз кундан-кунга ўсиб юксалиши мазкур соҳада ҳеч қандай муаммо йўқ деганини билдирмайди, албатта. Халқимиз ёш авлодимиз миллий онгини янада ривожлантириб ҳозирги давр талабига жавоб берадиган ҳолатга келтириш учун ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз зарур. Шуларнинг ичида энг катта эътиборни талаб қиладиган муаммо – халқимиз, ёш авлодимизнинг ҳукуқий онгини янада ўстиришдир. Қонунга хизмат қилиш, унга бўйсунуш, жамиятимиздаги барча фуқаролар учун мажбурийдир. Афсуски бугунги кунда қонунни чеклаб ўтишга ҳаракат қиладиганлар, уни поймол қиладиган шахслардан жамиятимиз холи бўлгани йўқ”, - деб ёзади.

Демак, ёшларда шу жумладан Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири. Бу учун Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш лозим. Ватанпарварлик, илм олиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, халқ амалий санъатини эгаллаш, муқаддас динимизга бўлган

эъзозни ҳурматлаш, маънавий меросимизни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, иқтисод ва тежамкорликка эришиш кабилар ёшларда миллий ғурурни тарбиялашнинг мазмунини ташкил этади. Бунда ҳар бир ўқувчи қуйидаги йўналиш бўйича тушунчалар берилади ва машғулотлар ўтказилади:

Ватанпарварлик – бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, ўз она ватани учун жонкуярлик қилиш, унинг халқни севиш, ўлка табиатини севиш, халқимизнинг кўҳна тарихини билиш, ўз халқини миллий меросини, маданиятини, санъати ва меморчилик ёдгорликларини асраб-авайлаш, ватан олдида масъулиятли бўлиш, фойда келтириш, халқни ўйлаш ва унга ҳамдард бўлиш, ватанидан, миллатидан, тилидан, байроқ, мадҳия, тамғасидан, анъана, қадрият, урф-одат, миллий ғуруридан фойдаланиш.

Билим олиш — ҳам миллий ғурурни шакллантиришнинг йўналишларидан биридир. Чунки инсон камолотида билим эгаллаш улкан вазифалардан бири ҳисобланади. Билим олган киши ҳар томонлама ривожланган, одобли, ахлоқли, камтарин, комил инсон бўлади. Ҳар қайси инсоннинг, фуқароларнинг билим даражаси жаҳон талаблари даражасида, яъни фан-техникага, бозор иқтисодиёти маданиятига жавоб берадиган ҳолда бўлиши керак, ўша комил инсон учун унинг олган билими ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларида йўлдош, бахтиёр дақиқаларида раҳбар, қайгули дамларида мададкор бўлади. Билим инсонни ақл-идроқли, билимдон, ҳунарманд, иродали, эътиқодли қилади.

Маънавий меросни эгаллаш — халқ тақдири ва фаровонлиги, Ватан тақдири ва унинг равнақини ўйлайдилар. Инсон эркинликда яшашга интилади. Бундай кишилар келажакка, ҳурриятга, озодликка ишонч туйғулари билан муносабатда бўладилар. Аждодлардан авлодларга қолган илмий, адабий, маданий бойликнинг ривожлантирилиши, миллий қадриятларнинг тикланиши, ўзбек давлатчилиги асосчиларининг номларини абадийлаштириш, тарихий обидаларнинг таъмирланиши, ўзбек маънавияти ва маданияти вужудга келтирган алломаларимизнинг асарларини муттасил ўрганиш.

Халқ амалий санъати — жаҳонга гўзаллик ва жозиба бағишлайди. Унда нафосат тарбиясининг асосий манбалари, гўзаллик туйғулари ўз ифодасини

топган. Шунингдек, жонажон табиат гўзалликларини ва бойликларини тўғри тушуниш ва қадрлаш, меъморчиликни, тарихий обидаларни эъзозлаш, меъросимиз бойлигига ҳурмат билан қараш, асраб-авайлаш, ғурурли киши вазифасидир.

Миллий урф-одатлар тўй ва маъракаларда, қариндош-уруғларга, ёру дўстига ёрдам бериш, ҳамдард бўлиш, меҳмон кутиш ва кузатишда расм-русмларимизга амал қилиш ота-онани ҳурмат қилиш, миллий кийиниш, миллий таом тайёрлаш, дастурхон безашда, никоҳ маросимларида, суннат тўйларда, ғам беришда, ёр-ёрлар, лапарлар айтишда, миллий лапарларимизда, бозор ва озодаликда, увол-савобда, диёнатда, ҳалолликда, поклик ва барча табиат бойлигини эъзозлашда, меҳнатсеварликда, миллий мусиқада, Ватанга, маданиятга, миллат тарихига, халққа муносабатида намоён бўлади.

Иқтисод- моддий ва маънавий ҳаётни, халқнинг турмушини билдиради. Ҳар бир кишига хўжаликда ва оилада тежамкор бўлиш, мол-мулк қадрига етишда, исрофрарчиликка йўл қўймасликка, меҳнат эвазига орттирилган барча нарсаларга тежам ва жонкуярлик билан муносабатда бўлишни, келажакда ҳақиқий уй эгаси, чинакам хўжайин бўлишида ёрдам беради. Давлат мол-мулкини кўз қорачиғидай асраш, ҳаол, пок, тўғри бўлиш кабиларни ўз ичига олади.

Дин — эзгулик, яхшиликка эришиш билан бирга, адолат билан муомила этишга даъват этади. Кишиларни эътиқод, тўғри ва соф бўлишга, яхшилик қилиб бир-бирининг муҳаббатини қозонишга чорлайди. У имонга, ота-онага, қариндошларга, етимларга, камбағалларга, одамларга яхшиликни раво қўришга чорлайди. Дин ростгуйликка, ҳалолликка, покликка, инсофлиликка, ҳақгуйликка, ор-номуслиликка, комилликка, мўминликка, шариатга, муомалага ўргатади.

Келажакка ишонч — Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, вазифасига виждонан масъулият билан қарашида ҳамда Ўзбекистонни дунё кашфиётларида, жаҳон сивилизасиясини эгаллашида, узоқни мўлжаллаб, истиқбол тараққиётини кўзлаб иш тутишида намоён бўлади.

Умуминсоний қадриятлар - инсонларда ахлоқ ва маънавиятнинг устунлигини эътироф этишида, уларни турли ижтимоий-иқтисодий, тузумли мамлакатлар ҳамкорлигини умумий йўналишини ҳосил этишда ва дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ишларни тушунишида, маданий-маънавий, илмий-техникавий, ҳарбий соҳанинг, алоқанинг мамлакатларда ва халқларда ривожлантиришда кўринади.

Истиқлолни мустаҳкамлаш — Ўзбекистоннинг истиқлолини мустаҳкамлашда ҳар қайси инсон моддий, маънавий бойликларини асраб-авайлайди. Уларнинг янада ривожланиши учун Ватанининг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, унинг халқаро обрӯ-еътиборининг ошишига масъулият билан муносабатда бўлади.

1.2 Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг ўрганилганлик даражаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида миллий-маънавий кадриятлар ва уларнинг ижтимоий-маънавий аҳамияти, уларга нисбатан тарихий ёндашув, мустақиллик йилларида миллий кадриятларни қайта тиклаш йўлида олиб борилган амалий ҳаракатлар мазмуни ҳамда шахсда миллий ғурур туйғуларининг намоён бўлиши каби масалалар ўз ифодасини топган.

А.Азизхўжаев, А.Алиев, Б.Аминов, Т.Расулов, С.Атамуратов, Ш.Бахранов, А.Жалолов, Н.Жўраев, Ж.Туленов, З.Ғофуров, О.Шарофиддинов, К.Юсупов, э.Юсупов ва Ў.Юсупов ларнинг ишларида шахс камолоти, унда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари, шахсда миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг шаклланиши, бу жараёнда миллий маънавиятнинг ўрни ва роли таҳлил этилан.тадқиқот бўйича таҳлил этилган педагогика соҳасидаги адабиётлар ҳамда илмий манбаларнинг кўрсатишича ёш авлодга миллий ғурур сифатларини шакллантириш муаммосини турли қирралари педагог олимлардан шу жумладан, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқувчиларида миллий ғурур туйғусини шакллантиришда миллий-маънавий мерос, хусусан, халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одат, маросим ва анъаналар, шунингдек, миллий тарбия ўзига хос таъсирчан кучга эга. М.Аброров, С.Булатов, О.Бўриев, И.Жабборов, Т.Жавлиев, М.Иномова, Е.Авлякулиев, Н.Ортиқов, Қ.Тоҳир, О.Усмонов, А.Мадраҳимов, И.Хайруллаев, М.Қуронов, Д.Рўзиеваларнинг ишларида халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий урф-одат, маросим ва анъаналарнинг моҳияти, уларда илгари сурилган ғоялар, миллий маданият асослари ҳамда уларнинг шахс маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ва роли очиқ берилган.

Республикамизда ўрта махсус касб-хунар таълими ривожланишининг назарий-методик ва ижтимоий-педагогик асосларини Р.Жўраев, У.Иноятов,

Н.Мусимов, Х.Рашидов, касб-хунар коллежлари ўқувчилари касбий маҳоратини оширишнинг ташкилий-педагогик асослари С.Ражабов, узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишнинг педагогик асосларини Н.Тайлоқов, махсус фанларни ўқитиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларда касбий билим ва малакаларни шакллантиришнинг методик асослари Қ.Абдуллаева, касбий тайёргарлик жараёнида бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий ишларга, тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик хусусиятларини Н.Ўриновалар ўрганишган.

Инсоннинг бахт-саодати, келажак ҳаётининг яхши ёки ёмон бўлиши давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда турли миллатлар, элатлар, синфлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик муносабатларининг такомиллашиши билан дам узвий боғлиқдир. Бу, айниқса, кўпмиллатли давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси учун жуда катта аҳамият касб этади. Ҳозир мамлакатимизда юздан зиёд миллатлар ва элатлар яшайди. 30-йилларда бизнинг диёримизда олтмишга яқин миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич қарийб икки барабар кўтарилган. Бу эса ўз навбатида миллий ва миллатлараро муносабатларга оид бўлган барча масалаларни фалсафий жиҳатдан чуқур ва атрофлича илмий таҳлил этишни талаб қилмоқда.

Маълумки, миллат ижтимоий-етник бирликнинг мураккаб шакллари жумласига киради. Миллат, асосан кишиларнинг тарихан таркиб топган бирлиги бўлиб, иқтисодий ҳаёт, тил, ҳудуд ва маданиятнинг, миллий ўзлигини англаш ва миллий психологик хусусиятларнинг бирлиги билан ажралиб туради. Иқтисодий турмуш бирлиги асосида тил ва ҳудуд бирлигининг пайдо бўлиши миллатнинг асосий белгиларидир. Миллатнинг тил, ҳудуд, иқтисодий турмуш ва маданият бирлиги улардан олдинги формасияларда вужудга келган уруғ қабила ва элатнинг бирлигидан тубдан фарқ қилади. Миллатнинг иқтисодий ва сиёсий бирлашиши элатларнинг ёзма адабий тили ва оғзаки ижодининг ривожланиши асосида ягона миллий тилнинг пайдо бўлишига олиб келади. Миллатнинг тарихий тараққиёт хусусиятлари, унинг иқтисодий тузуми, одат ва

анъаналари, яшаш муҳити унинг маънавий қиёфасига таъсир этади. У ёки бу миллатга мансуб бўлган кишиларнинг ўзига хос миллий хусусияти ва психологияси, миллий тили ва маданияти бўлади. Тил- миллатнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Кишиларнинг миллий бирлигини давлат ёки ирқий бирликлар билан тенглаштириб бўлмайди. Миллатлар бир ирқдан ёки турли ирқлардан ташкил топиши ва аксинча, миллатлар бир ирқда мансуб бўлиши, баъзи миллатлар турли динга, ёки бир неча миллатлар бир динга эътиқод қилишлари мумкин. Ирқларга бўлиниш — кишиларнинг гавда тузилиши, қиёфаси, ранг-руйи ва бошқа аломатларига қараб бўлинишдир. Миллатлар эса юқорида эслатиб ўтилган ижтимоий-етник белгилар билан характерланади. Шунинг учун бир томондан, ирқий, қабилавий, диний, давлат бирлиги миллатни таърифлашда зарур белги бўлмайди. Иккинчи томондан, миллий белги билан синфий белги ўртасида умумийлик ва фарқлар борлигини эътиборга олишга тўғри келади. Уларнинг ҳар иккаласига хос бўлган умумийлик шундаки, миллатлар ҳам, синфлар ҳам тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида юзага келган ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатларга бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодисалардир. Миллат билан синф ўртасида, баъзи фарқлар ҳам мавжуд. «Миллат» тушунчаси ва мазмунига кўра «синф» тушунчасидан анча кенг. Муайян синфдан ташкил топмаган миллат йўқ. Ҳар қандай миллат синфлардан иборат бўлади. Миллат ижтимоий тараққиётнинг синфдан кейинги маҳсулидир. Демак, синфларнинг мавжудлиги ҳақида гапирилганда, миллатларнинг мавжудлигини, миллатларнинг мавжудлиги ҳақида гапирганда синфларнинг мавжудлигини тушуниш ярамайди.

Дунёнинг турли мамлакатларида ҳозир ўзининг турмуш тарзи, тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, ривожланиш даражасига кўра бир-биридан фарқ қиладиган қарийб икки минг ҳар хил халқлар ва миллатлар яшамоқда. Уларнинг қарийб 1600 таси Осиё ва Африка мамлакатларида, қарийб 100 таси ривожланган капиталистам мамлакатларда, қарийб 250 таси собиқ социалистик мамлакатларда яшайди. Мустақил давлатлар сони ҳозир қарийб 390 тани

ташкил этади. Ер юзида 100 миллиондан ортиқ кишидан ташкил топган миллатлар ҳам, шунингдек, минг ва ҳатто юз кишидан иборат бўлган қабилалар ва этник гуруҳлар борлигини ҳам айтмасдан ўтиб бўлмайди. Академик Д. С. Лихачевнинг маълумотларига қараганда, собиқ СССР ҳудудида катта-кичик 150 миллат ва элат яшайди.

Ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъи назар, энг аввало, ўзининг миллий онги ва психологиясида ифодаланади.

Ижтимоий онгнинг барча шакллари, сиёсий мафкура, фалсафий, ҳуқуқий қарашлар, санъат-фан, ахлоқий нормалар, шу жумладан миллий кадр-қиммат нормалари ҳам ижтимоий борлиқ негизида вужудга келиб, унинг айрим шакллари ижтимоий воқеликнинг муайян босқичларида нисбий мустақилликка эга бўлган ҳолда олдинги қаторга чиқиб ривож топади ва кишилар руҳий, маънавий ҳаётида чуқур ўрин эгаллайди. Муайян жамиятда истиқомат қилувчи ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфаси ўша жамиятнинг моддий, ижтимоий-тарихий шароитларига қараб ўзгариб боради. Миллатнинг руҳий, маънавий қиёфаси мавжуд ижтимоий онг шаклларида ўз ифодасини топади. Ижтимоий онгнинг прогрессив шакллари ҳар бир миллат кишиларининг руҳий, маънавий қиёфаси аста-секинлик билан ўзгариб боришига олиб келади. Мана шу ўзгариш жараёнлари тарихий босқичда ҳам прогрессив, ҳам регрессив бўлиши мумкин. Бундай тарзда ижтимоий онг шакллариининг ўзгаришлари ўз навбатида кўп миллатли давлатлар негизида турган халқларнинг миллий ўзлигини англаш жараёнига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

Миллий онг ижтимоий онг шакллари сингари маълум даврларда ўзининг нисбий мустақиллиги туфайли жамият асосини ташкил этувчи - базис ва устқурманинг моҳиятини тубдан ўзгартириб юборишга фаол таъсир кўрсатиши мумкин. Бунга мисол тариқасида ҳозирги кунлар собиқ иттифокдош республикалар ҳудудида рўй бераётган кескин ўзгаришлар жараёнини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Уларнинг ҳаётида шиддат билан рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришлар қанчалнк инқирозли тус олмасин, халқ оммаси онгининг, айниқса миллий онгнинг янгича шаклланиши анчагина

ижобий характер тус олмокда. 1985 йилда қайта куриш ва ошкоралик жараёнларининг бошланиши туфайлигина миллий онгимизни соғлом тафаккур асосида шакллантиришга йўл очилди. Янгича миллий онгинг, миллий ғурурнинг ривожланиши айниқса Болтиқбўйи республикалари, яъни Литва, Латвия, эстония, шунингдек, Украина ва Молдова, Кавказ-орти жумхуриятлари халқлари ҳаётида бирмунча тезроқ юзага келди. Бу эса аста-секин бошқа миллат ва элатлар онгига таъсир этиб, эндиликда улар ҳам ўз миллий кадр-қимматларини, миллий ғурурини маънавий юксалтиришга қаратилган ислохотларни амалга оширмоқдалар.

Шу кунларда барча соғлом миллат вакиллари жамиятимизда ҳукм сураётган инқирозли аҳволдан қандай қилиб чиқиб кетиш йўлларини ўйламоқдалар. Уларнинг ташаббуси билан янги-янги мулоҳазалар, таклифлар, талаблар ўртага қўйилмоқдаки, булар секинлик билан бўлса ҳам ўз ижобий натижаларини бермокда.

Миллий онг ва унинг шаклланиши, энг аввало, миллий уйғониш замирида бошланиши табиийдир. Ҳозирда миллий уйғониш, давр тақозосига кўра, тараққиётнинг обектив ижтимоий воқелигига айланмокда. Чунки кишиларнинг дунёқараши ҳаётий хулосалар, бир-бирларига муносабатлар, ирода ва хоҳишлар, миллий турмуш тарзлари, миллий расм-русумлар, одат ва анъаналар туфайли шаклланади ва ривожланади. Шундай экан, миллий турмуш тарзи ва маданияти ижтимоий воқеликнинг табиий ифодаланиш шаклидир. Миллий онг ва уни англаш ҳар бир кишидан ўзининг қайси миллатга мансублиги, миллий тарихи, маданияти ва мероси, урф-одатлари, миллий тили моҳиятини тўғри, ҳар тарафлама чуқур билишни талаб этади. Миллийликни тан олиш — миллатга мансуб кишиларнинг ижтимоий-етник барқарорлигини тан олиш демакдир. Миллийликда инсоний ва умуминсоний қадриятлар муайян қиёфа ва шакл касб этган бўлади. Миллийликда миллий мансублик руҳи мавжуд. Миллий рух бадиий қиёс тушунчаси эмас, балки табиий-тарихий воқелигимиздаги миссий инъикос, идрок, тушунча, ҳукм, хулосаларимиз ифодаси бўлиб, у кишиларда социологик жараёндир. Миллий рухимиздаги миллий туйғуларимиз мавжмуи

миллий тасаввурларимиз, кайфиятларимизда оддий онг сифатида ифодаланади. Агар миллий мансублик ва унинг барча томонлари кишилар тасаввурида илмий асосланган бўлса, уни биз миллий ўз-ўзини англаш деб тушунамиз. Миллий ўзлигини англаш илмий-сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига кўтарилса, биз уни миллий мафкура деб атаймиз. Миллий мафкура миллий сиёсатнинг етакчи омилидир. Шу билан биргаликда миллий мафкура миллий қадриятлар манфаатларини хошоя қилувчи асосий қурол сифатида намоён бўлади. Миллий уйғониш мафкураси бўлмоғи лозим. Гап миллатларнинг яшаш ҳуқуқи, миллий мансубликка эга бўлиш, фуқаролик ҳуқуқи, мустақиллик ва бетарафликка эгалик, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва бошқариш ҳуқуқи, аجدодларимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналарини эъзозлаш ҳуқуқи, аجدодлар тарихи баён этилган ёзувни тиклаш, ўз тилини давлат тили мақомига кўтариш ва ривожлантириш, ўз миллати ва жаҳон маданияти ютуқларини эгаллаш ҳуқуқи, миллий иқтисодий мустақилликка эришиш ҳуқуқи каби масалалар ҳақида бормоқда.

Миллий онглиликнинг моҳиятини тўғри тушунмаслик оқибатида, баъзи ҳолларда бундай муносабатлар миллатчилик иллатларига мубтало этилмоқда. Миллатчилик ғайриинсоний иллат бўлиб, аввало ўзга миллатларга, қолаверса, ўз миллатига ҳам худбинларча қараш фожиасидир. Бу ўз миллатини ва унинг манфаатларини худбинлик заминида мутлақлаштириш йўлида бошқа миллатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган, уларнинг қадриятларини поймол қиладиган, шу асосда уларни камситиб, тазйиқ этиб, ижтимоий адолатлар туғдирадиган иллатдир.

Демак, миллий ғурурни миллатчилик билан айнийлаштириб бўлмайди. Миллий ғурур ҳар бир миллатга хос бўлган хусусиятларни ҳимоя қилиб, уларнинг келажак ҳаётини юксалтиришга қаратилган табиий интилишдир. Миллатчилик эса — бу биттагина миллатнинг муддаосини ҳимоя этиб, бошқа миллатларнинг эҳтиёжларини писанд қилмасдан, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйишга қаратилган ҳаракатдир. «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола

ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади».

Миллий психология — ҳар бир миллат вакилининг миллий ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатлари, руҳий кечинмалари, психик темперамент ва феъл-атворлари каби муносабатларни намоён этади. Маълумки, миллий туйғу — бу табиий туйғудир. Айни пайтда миллий маънавий ҳаётининг жуда ҳам нозик элементиدير. Миллий туйғулар эса миллий ифтихор, миллий характер, яъни миллий психологиянинг белгиларидан бири, унинг ажралмас қисмиدير.

Миллий ҳис-туйғу миллий ифтихор ва халқпарварлик билан борлиқдир. У ўз миллатининг тарихини, ҳозирги аҳволи, миллий психологияси ва характерини руҳий тушуниш, эмоционал шаклда мужассамлашишидир. Бирок ҳис-туйғулар, эмосияларгина миллатларнинг туб манфаатларини бевосита ифода қилмайди. Шунинг учун ҳам миллий туйғу миллий онгдан фарқланади.

Миллий туйғуларнинг қанчалик қарам бўлиб қолишига қараб миллатларнинг кадр-қимматига бўлган эътиборсизлик шунчалик хавфли тус олиб боради. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий ҳис-туйғуларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларга суяниб, миллий мафкура асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, миллий кадр-қиммат миллатлараро муносабатларнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мутафаккирлар миллатнинг кадр-қимматини оддий сўз билан камситиш ҳеч мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидлаган эдилар. Ўзини кўрсатиб турадиган миллий манманлик, миллий махдудлик, миллий мақтанчоқлик бошқа бир миллат ҳис-туйғуларининг камситилишига олиб келиши мумкин. Бир миллатни бошқа миллатга мақташ, унинг тарихи, маданиятини идеаллаштириш, тил ва урф-одатларини тарғиб этиш, албатта, иккинчи миллатнинг туйғуларига муайян оғир ботади. Бу эса миллий туйғуларнинг миллатчилик туйғуларига айланиб кетишига олиб келиши мумкин. Шовинистик қарашларнинг асоси ҳам мана шу миллий туйғуларнинг камситилишидан юзага келади. Шовинистик кайфиятнинг шаклланиши асосан миллий тубанлик, ўз миллати манфаатларини биринчи ўринга қўйишда, бошқа миллатлар ва жумҳуриятларнинг манфаатларини ҳисобга олмаслик, ўз

миллатини кўкларга кўтариш ва бошқаларда намоён бўлади. Миллий психологиядаги шовинистик хислатлар оддий инсонлар онгини миллий махдудлик, миллий худбинлик каби салбий тушунчалар билан заҳарлашга, уларнинг беҳуда безовта бўлишига ҳам сабаб бўлади.

Миллий ифтихор ҳам миллий ўз-ўзини англашнинг кўринишидир. Миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланиши билан миллий ифтихор, миллий ҳистуйғулар намоён бўлади.

Инсонлар бўладики, қайси бир ишни бошласа, уни охирига етказмасдан қўймайди. Уни амалга ошириш йўлида заҳмат чекади, қийналади, югуради-елади. У қанча қийналмасин, азоб чекмасин, изидан, йўлидан қайтмайди.

Яна бир тоифа одамлар борки, улар мақсадсиз, беғам яшайдилар. Бошлаган иши йўлида озгина тўсиқ ёки қийинчилик учраса, ташлаб қўяди, ниҳояламайди. У ҳақдаги одамларнинг яхши-ёмон гапи билан ҳам иши бўлмайди.

Мана, икки хил одам манзараси. Улар бир-бирига қарама-қарши характер, руҳдаги кишилар. Бинобарин, ҳар иккаласи ҳам одамлардир. Биринчисида ғурур бор, бошлаган ишидан фахрланади. Иккинчиси эса ғурурсиз, тинч-хотиржам яшашни, қийинчиликсиз умр кўришни афзал кўради.

Зотан, инсонни буюк ишларга илҳомлантирувчи куч ғурурдир. Унинг мазмунида ўз оиласидан, ота-онасидан, Ватанидан, авлод-аждодлари қолдирган моддий ва маънавий меросдан, касб-коридан, миллатидан, ижтимоий фойдали меҳнатидан, фарзандларидан фахрланиш ҳисси мужассамдир.

«Миллий ғурур — ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаш натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфияти. Бу-туйғу уз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон сивилизасиясига қўшган ҳиссаларидан, ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрӯ-еътиборидан фахрланиш ҳиссиётидир».

Фахрланиш — миллий ғурурнинг негизини ташкил этади. Табиат ва жамият воқеа-ҳодисаларидан, ўз ва ўзгалар ютуғидан фахрлана олиш ҳам буюк неъматдир. Миллий ғурури баланд инсон ўз ор-номуси, ҳаёси, иффатини сақлай

билади. Ҳар хил ваъдаларга учмайди, турли таъсирларга, оқимларга тушиб қолмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини бошқариш, хатти-ҳаракатини назорат қилиш, халқимизда айтилганидек, «Етти ўлчаб бир кесиш» қобилиятига эга бўлади.

Маънавий қашшоқлик миллий ғурурнинг заволидир. Маънавий баркамол инсон ўз ғурурини ўткинчи ҳавас учун поймол қилмайди. Иродаси мустаҳкам, эътиқоди бутун, қалбида муҳаббат туйғуси кучли (ота-онага, оилага, Ватанга, миллатга, халқга, ўзи туғилиб ўсган она заминга, ёрига, фарзандларига, дўсту биродарларига, касбига ва ҳоказо) инсоннинг миллий ғурури баланддир.

Миллий ғурури баланд инсон адолатсизликка, ноҳақликларга, субутсизликка, ёлғонга, алдамчиликка, миллий камситилишга, миллат, Ватан хоинларига, хиёнатга, обру-еътиборининг топталишига нисбатан бешафқат бўлади. Ғурури баланд инсон ҳар қандай лаганбардорга, тажовузкорларга бош эгмайди, керак бўлса жонини ҳам фидо қиладики, лекин ўзгаларга озор бермайди, сотқинлик, диёнатсизлик, нодонлик қилмайди.

Ўз ғурурини поймол этиш бахтсизликка етакловчи ягона йўлдир. Ҳаётда баъзи қизларимиз асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган Шарқ қизларининг ҳаёси, ибоси, ғурурини сақлаш талабларига қарши бориб, ҳаётга енгил-елпи қараш, узоқни ўйламаслик ва кўра билмаслик оқибатида йигитларнинг ёлғон сўзларига ишониб, ўз номусларини поймол қиладилар. Натижада, бир умр бахт ва бахтиёрлик, ҳаёт лаззати нима эканлигини билмайдилар. Уларнинг ҳаётлари таъна-ю дашномлар остида ўтади. Афсуски, «кейинги пушаймон ўзига душман» эканлигини кеч англайдилар, (Шукрлар бўлсинки, бундай қизлар жуда ҳам кам). Ўз ғурурини поймол қилмаган инсон миллат ғурурини ҳам сақлай билади.

Ёшлик олтин даврдир. Уни эҳтиёт қилиш, йигит-қизлар ўз умрини бефойда, самарасиз ўтказишларига йўл қўймаслик биз катталарнинг ёшлар олдидаги бурчимиздир. Ўз бурчига масъулиятли ота-она, устоз мураббийлар қўлида тарбияланган ёшларнинг миллий ғурури мустаҳкам бўлиб тарбияланиши табиийдир.

Ўзига ўта бино қўйиш, насл-насаби, мол-дунёси, мансабидан, хуснидан гердайиш, манманликка берилиш, қобилиятига ортиқча бахр бериш, ўз ютуқларидан хаволаниб кетиш қабоҳатдир. Афсуски, буларнинг барчаси вақтинчалик, ўткинчи нарсалар эканлигини унутмаслик зарур. Халқимизда «Камтарга камол, манманга завол», «Бошинг осмонга етса ҳам, оёғингни остига қара» деган нақллар бежиз айтилмаган. Бироқ ғурурни гердайиш, ўзига бино қўйиш, ютуқлардан эсанкираш, ижобий маънодаги «ўжарлик»ни, «қайсарлик»ни манманлик деб тушунмаслик керак. Ҳолбуки, камтар, оддий, бағрикенг инсонда ғурурланиш ҳисси кучли бўлади.

Баъзан ҳаётда ўз миллатидан, тилидан, шевасидан кийимидан, туғилиб ўсган жойидан (қишлоқ, чўл, дашт, саҳро ва ҳоказо), оддий авлод-аждодлари касб-хунаридан, ҳаттоки ота-онасининг бундайроқ моддий ҳолатидан ор қиладиган кимсалар онда-сонда бўлсада учраб туради. Мустабид тузум даврида бундай ҳодисалар сон-саноксиз эди. Ўз она тилини умуман билмасдан, ҳатто тан олмасдан, ўзининг чиройли ўзбек исми туриб ўзга миллат исмларини маъкул кўрган (Гулчеҳра - Гуля, Зулфия — Зоя, Баҳриддин — Боря, Нигора — Нина, Нодира — Надя, Сожида — Соня, Маркс, Телман, Мелс ва ҳоказо) ўзга миллат урф-одатлари, анъ-аналарига, ҳатто ўз динигамас, ўзга динга эътиқод қилганлар, миллий ғурурсиз кимсаларни кўплаб учратиш мумкин эди.

Мустақиллик, истиқлол бундай манқуртликка чек қўйди. Юртбошимиз айтганларидек: «Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-еътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир».

Ўзбек халқи миллий ғурури баланд халқ. Миллий ғурур ўз онгини, рухиятини бошқа миллатларга қарши қўйиш эмас, балки бошқа миллат халқларига ўз миллий-маънавий ва моддий бойликларини, жаҳон маданияти хазинасига қўшган улкан улушини, миллий қадриятларини (ахлоқий, ақлий, экологик, иқтисодий, диний, адабий-бадиий, хунармандчилик, ахлоқий-маънавий ва ҳоказо) намоён этишдан иборатдир.

Ўзбекнинг пахтаси, пилласи, олтини, атласи, дўпписи, тарихий обидалари, палови, меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, иймон-еътиқоди, буюк алломалари унинг фахридир. Улардан ҳар бир фуқаро ғурурланиши лозим.

Миллий ғурур она сути, ота намунаси, авлод-аждодларнинг ирсий фазилатлари, ахлоқ-одоб мезонлари орқали фарзанд онгига сингдирилади. Миллий ғурури баланд ёшлар мамлакатимиз келажагидир. Шунинг учун ҳар бир фуқарода, ёш авлодда миллий ғурурни шакллантириш, мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун, аввало, миллатимизнинг пайдо бўлиш, ривожланиш, миллат бўлиб шаклланиш тарихи, урф-одатлари, анъаналари, адабиёти, сайёти, маданияти, дини ва уларнинг инсоният тарихи тараққиётида тутган ўрнини мукаммал билмоқ зарур. Иккинчидан, умуминсоний қадриятларни билиш, улардаги миллий менталитетимизга мос илғор ғояларни амалиётга жорий этиш ва шу асосда миллий қадриятларимизни мазмунан ва шаклан бойитмоқ лозим. Учинчидан, жаҳон андозаларига мос янги техника ва технологияга асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва унда фаоллик кўрсатиш керак. Тўртинчидан, мамлакатимизда истиқомат қилаётган фуқароларнинг ирқи, миллати, наслу насаби, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар миллатлараро, фуқаролараро тотувлиги, ҳамжиҳатлиги ва якдиллигига эришмоқ учун барча чора-тадбирлари кўрмоқ лозим. Шундагина ҳеч қандай ёвуз куч куп миллатли мамлакатимиз халқлари ўртасига рахна сололмайди. Улар бир-бирлари билан дўст-биродар, ҳамкор ва ҳамфикр, бир-бирларидан фахрланиш ва ғурурланиш ҳисси билан яшайдилар. Бундай ўзаро дўстона муносабат ёш авлод тарбиясида ҳам муҳим рол ўйнайди.

Умуман олганда, миллий ғурур қалбларни, жамият жамоли ва камолини безайди, эзгу ишларга илҳомлантиради. Юқорида зикр қилинган, таҳлил ва тадқиқ этилган муаммолар оила тарбияси билан бевосита борлиқдир. Зотан, оила — миллий ғурур кошонасидур, устахонасидир.

1.3 Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг мазмуни ва моҳияти

Тарбия хусусида таниқли ўзбек педагоги, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний бундай деган эди: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё фалокат, ё саодат, ё ҳалокат масаласидир”. Ушбу ҳикматли фикрдан ҳам кўриниб турибдики, ўахс тарбияси хусусий иш эмас, балки ижтимоий, миллий ишдир. Чунки, ҳар бир халқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммад Қуронов ўзининг “Эзгу ғоялар рўёби” китобида юртбошимизнинг асарларида бугунги замоннинг комил инсонларига ҳоя бўлган 200 дан ортиқ фазилатлар баён қилинган. Биз уларни ХХІ асрнинг “Шарқона фазилатлар гулдастаси” деб атадик,-дейди педагог олим. Мана улар: юксак салоҳиятли, маънавий уйғоқ, ор-номусли, уят ва андишали, шарму ҳаёли, иболи ва ифбатли, собитқадам, шижоатли, диний қадриятларни билувчи, савоб ишларни кўп қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, буюк аجدодларимиз меросини чуқур билувчи, Ватанга содиқ, миллий ғурурли, юксак маънавиятли, янгича фикрловчи, Амир Темур бобомизнинг шижоат, азму қарор ва ўқтамлилига эга, фидоий, юксак ҳуқуқий маданиятли, жаҳон тарихи ва маданияти ютуқларини чуқур ўрганган, мард, ташаббускор, эл-юрт ташвишини зиммасига оладиган, дахлдор, имонли-эътиқодли, ўз ҳақ-ҳуқуқини билиб, ҳимоя қила олувчи, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай ҳимояловчи, сахий, мустақил фикрга эга, меҳр-оқибатли, ғоявий ва мафкуравий таъсирларга қарши тура оладиган, ўтганларни хотирлаб, тирикларни қадрловчи, 23 йилда эришган ютуқларимизни давом эттиришга қодир, билимли ва истеъдодли, меҳнатсевар, тadbиркор ва янгиликни тез илғайдиган, ғайрат ва шижоатли, иродали, қадриятли, сабр ва матонатли, жасур, фаол, замонавий юксак технологияларни ўзлаштирган, соғлом турмуш тарзига интилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топган, огоҳ, хушёр, муносиб даромад

топувчи, юқори малакали, масъулиятли, етук мутахассис ва бошқалар”¹. Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобида “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”², -деган фикрларни билдирди.

Баркамол авлодни кўриш Соҳибқирон Амир Темури тузукларидан, “Алпомиш”, “Тўрўғли” дostonларидан Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Алишер Навоий девонларидан “чиқиб”, тарбиявий иш дастуримизга айланди. Бунга осонликча эришилагани йўқ. Аввало қонунлар ана шу буюк мақсадлар сари йўналтирилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Бюджет маблағларининг асосий қисми-комил инсонларни тарбиялашга қаратилди. Бир неча йилларимизнинг номи ёшларимизнинг маънавий ва жисмоний саломатлигига бағишланди. Ўтган йилла ўзидан улкан натижаларни қолдирди. 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили” ..., янги қурилган мактаблар, лицей, коллеж, мусиқа мактаблари, таълим инфраструктурасини тубдан ислоҳ қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқув методик таъминоти яхшиланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 млн 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 % ини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 млн 8 минг нафарни ёки 60% ни ташкил этади. Социал-демографик жиҳатдан бу жуда катта потенциал имкониятга эга бўлган кучдир. Шу сабабли, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар замирида ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари, дунёқараш ва интилишларни ҳисобга олиб, уларга эътибор кучайган.

Мамлакатимизнинг келажаги, миллат тараққиёти бугунги ёшларнинг билимига, онгли даражасига, савиясига, дунёқарашига, ватанпарварлик

¹ Quronov M. Ezgu g'oyalar ro'yobi. –Т.: “Ma’naviyat”, 2011, 87 b.

² Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch. –Т.: “Ma’naviyat”, 2008, 176 b.

туйғусини қанчалик даражада шаклланишига, комиллик даражасига боғлиқ. Келажак эркин фикрлайдиган, мустақил иш юрита оладиган, давлат ва жамият манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўя оладиган, керак бўлса, Ватан учун жонини фидо қила оладиган ёшларни талаб этади.

Касб-ҳунар коллежлари-узлуксиз таълимнинг асосий бўғинларидан биридир. Касб-ҳунар коллежи (КХК)-ДТслари доирасида ЎМКХТни беради. Бунда ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча мутахассисликни эгаллаш имконини беради.

Касб-ҳунар коллежлари-ЎМКХТ ўқув юрти. Унга Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган КТМД ва “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ умумий ўрта таълим мактаблари 9-синфини тугатган ўқувчилар қабул қилинади. Бундай ўқув муассасаларида ўқиш муддати уч йил, КХК ва ЎМКХТ берилади ва унда ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларни танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллаши имконини берадиган ўқув муассаса.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таъкидланганидек, касб-ҳунар коллежларига умумий таълим мактаблари (9-синфи)ни тугатган ўқувчилар қабул қилинади. Таълим муддати3 йил. КХК ўрта махсус касб-ҳунар таълим беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир мутахассислик ва 2-3 ишчи-касб малака кўникмаларини эгаллаш имконини беради. КХТларда таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларни чуқурлаштириш ва танланган ихтисосликларга эга бўлишни таъминлайди. КХКларида ўқув дарсликлари билан ўзаро мутаносибликда бўлиб, таълимни узлуксиз ва изчиллик принципига амал қилади. КХКларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган номердаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган касб-ҳунар

бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради”¹, -деб кўрсатилган педагогика фанидан изоҳли луғатда.

Бугунги кунда ҳукуматимиз ёшлар тарбиясида миллий тарбия жараёнини кучайтириш кераклигини уқтирмоқда. Миллий тарбиянинг уч асосий негизи бор: жисмоний тарбия, ақлий тарбия, ахлоқий тарбия. Таълим-тарбия ва маънавий-маърифий соҳалардан барча ишларимиз шахснинг ана шу жиҳатларини ўстиришга қаратилмоғи керак.

Фалсафа фанлари докторлари Эркин Умаров ва Маҳмуд Абдуллаевларнинг “Маънавият асослари”² ўқув қўлланмасида, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва миллатга садоқат-юксак маънавий бурч эканлигига эътибор қаратилган. Муаллифларнинг эътироф этишича миллий туйғу-ўз миллатининг руҳи ва характери, миллий ҳис-туйғулари, психикаси (руҳияти), темпераменти (мижози) ва феъл-атвори каби маънавий ҳодисаларнинг инсон ҳаётий фаолиятида намоён бўлишидир. Миллий ғурур ифтихор, фахр сўзлариги яқин туради; бироқ улар бир-биридан фарқ қилади.

Миллий ғурур миллатнинг ўз қавми ютуқларидан мамнуният ҳиссидир. Ўз миллий давлати, ўз Конституцияси, Давлат мадҳияси, Давлат герби, байроғи учун ич-ичидан севиниш, кўнглининг тўлиши, мамнун бўлишдир. Бу миллатнинг қадр-қимматини билиш демакдир. Ўта ғурурланиш ёки ўз миллатини ўта камситиш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Ўзига ортича баҳо қўйиш, гердаиш, кеккайиш сингари қусурлар миллатга зиён келтиради. Ҳадисларда айтилшича, Оллоҳ энг ёмон кўрган нарсаларидан бири такаббурликдир. Ҳаттоки, масжидга гердайиб кирган одамнинг намози қабул бўлмас экан (Ватан туйғуси, 28 б.).

Миллий ифтихор-миллат ўзининг яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли равишда ҳис этишидир. Миллий ифтихор миллат вакилларининг қалбидаги бирлик, қон-қардошлик, тил, маданият, маънавият, иқтисодиёт ва истиқбол учун қониқиш ҳиссиёти, кучли руҳий ҳолатдир.

¹ Pedagogika fanidan izohli lug'at. J.Hasanboyeva va boshqalar. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2009, 214 b.

² Umarov E., Abdullayev M. Ma'naviyat asoslari. O'quv qo'llanma. –Т.: “Cho'lpon”, 2006, 77-80 betlar.

Миллий бирдамлик туйғуси миллий онгнинг асосисни ташкил қилади. Миллий бирдамлик етук ва мукаммал маънавий фазилат сифатида, миллий онгни ривожланган мамлакатлардаги миллатларда тўлароқ намоён бўлади. Маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик миллий бирдамлик ҳиссиётининг кучсизланишига олиб келади. Миллий маънавий бирдамликнинг ранг-баранг қирралари, бой маънавий мерос ва бугунги қадриятлар миллий ифтихор тушунчасида мужассам бўлади.

Миллий характер, миллий туйғу, миллий руҳият, миллий психология бир тартибдаги, бир маъноли тушунчалар ҳисобланади. Бироқ, улар маълум даражада бир-биридан фарқ қилади. Миллий характер миллат қатъияти, азму қарори бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради. Миллий туйғу тез ўзгарувчан маънавий ҳодисалар туркумига киради.

Миллий онгда миллий туйғу, миллий психология, мафкура ва турли ижтимоий ҳодисаларга берилган баҳолар мужассамлашади. Миллий туйғулар миллатнинг туб манфаатларини тўла ифодаламайди. Миллий онгда, мафкурада миллатнинг туб манфаатлари акс этади. Миллий туйғуга асир бўлиб қолиш хатоликларга олиб келиши ҳам мумкин. Лекину ни эътибордан четда қолдириб ҳам бўлмайди. Миллий туйғуларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларга суяниб, умуминсоний манфаатлар асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Миллий кадр-қиммат-ўзаро ҳурмат бўлиб, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда, халқаро муносабатларда кўринади. Ҳатто сўзда ҳам миллатнинг кадр-қиммати камситиб бўлмайди. Миллий кадр-қиммат миллатнинг мавжудлиги, моддий ва маънавий бойликлари, жаҳон цивилизацияга қўшган ҳиссаси, унинг шаъни, ор-номуси, ҳамжиҳатлигидир.

Миллий маҳдудлик-миллатнинг ўз қобиғида қолиши ва соф миллий анъаналардан бошқа ҳар қандай ақидани инкор қилишга асосланади, миллатлараро ўзаро ёрдам ва ҳамкорликка ишонмайди.

Миллий худбинлик-маҳдудликдан ҳам ёмон, ўзга миллатларни

камситишга қаратилган, ўз миллатини алоҳида мумтоз устунликларга эга деб билишдир..

Мустақилликнинг энг катта ютуқларидан бири турли миллат ва элатлар орасида ўзаро ҳамкорлик ва тотувликнинг таъмин этилиши бўлди. Барча фуқароларда ягона оила-Ўзбекистон тақдири учун масъулият ҳисси ошди. Уларнинг тили, маданияти ва анъаналарининг ривожланиши қонун билан кафолатланади.

Демак, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ифтихор Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислохотларни юксак даражада олиб бориш соҳасида улкан маънавий омил ролини ўйнайди.

Мухтарам Президентимиз ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари” асарида таълимлаганидек, “Ўзбек халқ-руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеяларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисалардир. Умумий руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтиради”¹.

Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантиришдан олдин уларда миллат, миллийлик, миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғоя, сўнгра миллий ғурур тушунчаларининг мазмунидан хабардор қилиш, бу ҳақида ўқувчиларда билим, кўникма ва алакаларни шакллантириш лозим деб билдик.

Шу мақсадда, “Фалсафа Қомусий луғати”га мурожаат қилдик:

Миллат-тил, маънавият, миллий ўзликни англаш, руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи ижтимоий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги. Миллат маълум

¹ Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. – T.: O'zbekiston, 1997, 143 b.

бир ҳудудда барқарор яшаб, тарихий тараққёит давомида ривожланиб кишиларнинг маънавий руҳий салоҳият ягоналиги асосида шаклланади. Миллатнинг шаклланиши ва ривожланишида моддий омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади, аммо улар миллат абадийлигини таъминлашнинг охирги имконияти эмас. Миллатнинг абадийлиги, унинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили унинг ички руҳий салоҳияти, яратувчилик қобилияти, матонати, инимсиз меҳнати, тadbиркорлиги ва ўзига хослигини ривожлантириш асосида ҳозирги замон цивилизацияси юзага келган. Мутахассисларнинг фикрича, Ер юзида уч мингга яқин миллат бўлиб, инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96 фоизини бирлаштиради. Қолган 4 фоизи қабиалардир. Ҳар бир миллат нуфузи бир неча ўн мингдан бир неча юз минггача боради. Миллатлар бешта йирик гуруҳга бўлинадилар: а) Буюк миллат хитойликлар, аҳоли сони 1 млрд 250 млн.дан ортиқ; ҳиндлар, америкаликлар, руслар, японияликлар-ҳар бири юз миллиондан икки юз, уч юз миллионгача аҳолига эга; б) Катта миллатлар-50 млн.дан 100 млн.гача-инглизлар, французлар, испанлар, олмонлар, поляклар, эфиоплар ва бошқалар; г) Ўрта миллатлар-1 млн.дан 10 млн.гача; д) Кичик миллатлар-бир неча 10 мингдан 1 млн.гача. жаҳондаги 27 миллат Ер юзи аҳолисининг қарийиб 75 фоизини ташкил этади¹.

Миллийлик- ўз миллатини улуғлаш ва унинг манфаатини ҳимоя қилиш, миллий ғурур ва миллий нафсоният туйғулари, ўз тили, адабиёти, маданияти ва санъати, дини, тарихи ваурф-одатлари, расм-русумлари, байрам сайллари, бир сўз билан айтганда, маънавий-маданий қадриятларни кадрлаш, ўз туғилиб ўсган диёрни ардоқлаш, унинг табиати, дарёлари, кўллари, мусаффо осмон билан фахрланиш туйғуси. Миллийлик бир миллатга мансуб кишиларнинг ижтимоий этник барқарорлигини таъминловчи буюк қудратдир. ...Миллийлик тушунчаси миллат тушунчаси билан узвий боғлиқ. Ҳар қандай миллатнинг шаклланиши, узоқ тарихга тэга бўлиши билан бир вақтда миллатларнинг ўзаро фарқ қиладиган жиҳатлари бўлади. Бундай хусусиятлар миллий руҳиятда ўз ифодасини топади (Фалсафа луғат 207-208 бетлар).

¹ Falsafa:Qomusiy lug'at (Tuzuvchi va mas'ul muharrir Q.Nazarov) –Т.: “Sharq”, 2004, 261 b.

Миллий онг-миллатнинг мавжудлиги унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ омил. У миллатнинг шаклланиши, тараққий этиши ва абадийлигини таъминлайди. Миллий онг миллатнинг ўзи билан бирга шаклланиб боради. Унинг бошқалардан фарқ қилувчи фақат ўзига тааллуқли бўлган манфаатлари ва мақсадлари шаклланиши миллий онгни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам миллий онг миллат билан параллел равишда узок тарихий даврда, унинг турмуш тарзи, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва кенг маънавий-маърифий салоҳият таъсирида ривожланади. Шундай қилиб, миллий онг деб. Миллатнинг тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган манфаатлар ва мақсадларни ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятиги мақсад, йўналишлар томон бошқариб турадиган ғоялар. Фикрлар тизимига айтилади. ... Миллий онг миллий манфаатлар сифатида моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, ўзга миллатлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида ҳам шаклланиб ва ривожланиб боради. Худди шу жараёнда миллатга хос бўлган хусусиятлар шаклланади. Ўша хусусиятлар миллатни бошқа миллатлардан ажратиб туради. Бундай ўзига хос хусусиятлар, ўз навбатида, миллий манфаат ва мақсадаларнинг шаклланишида етакчи омил вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам миллатнинг барча тарихий даврлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий камолот миллат онгида ўз ифодасини топади. Миллий онг ривожининг маънавий асосларини миллий тил, маданий мерос, тарихий хотира, урф-одат, анъаналар, қадриятлар, миллий тарбия, таълим тизими кабилар ташкил этади. Мана шу манбадан миллат маънавий озуқа олади, улар орқали ўзини англайди. Мамлакатимиз давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин миллий онгни ривожлантириш учун катта имкониятлар вужудга келди (... 270 бет).

Миллий ўз-ўзини англаш-ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини реал субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларининг эгаси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишга миллий ўз-ўзини англаш дейилади. Миллий ўз-ўзини англаш миллий шаклланиш жараёнининг юқори босқичи. Миллат ўзига

хос бўлган урф-одат, анъаналар, қадриятларни шакллантириши заминиди давлат атрофига бирлашиш мумкин. Миллий ўз-ўзини англаш-мураккаб жараён. Бу жараён миллат вакиллари умуммиллий манфаатларини устувор қўя билиш малакаси билан бевосита боғлиқдир. Миллий ўз-ўзини англаш миллий онгдан фарқ қилади. Миллий онг ҳар бир миллатнинг ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқорига оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришининг муҳим мезони. Ўз навбатида миллий онгнинг ривожланиб бориши ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаш даражасига кўтаради. Миллий онг миллатнинг ўзига хослигининг муҳим белгиси бўлса, миллий ўз-ўзини англаш миллий манфаатларни ҳимоя қилишда ички туртки берувчи маънавий-руҳий салоҳиятдир. Миллий ўз-ўзини англаш моддий куч сифатида миллат шаъни. Қадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этилганда ёки миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларига зид ҳаракатла юзага келганда янада яққолроқ намоён бўлади. Шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилганда миллат вакиллари қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишдан қатъий назар, ягона умуммиллий куч бўлиб, бирлашдилар ва ўзлигини ҳимоя қиладилар. Шундай қилиб, миллий ўз-ўзини англаш миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи омил ҳисобланади (... 271 бет).

Миллий ғоя- муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодлайди (Ўз. Мил. Энцикл. 5-жилд 667 бет).

Миллий ғоя кишиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, кишилар қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини сингдиришга, умуминсоний қадриятларга содиқлигини тарбиялашга, баркамол авлод тарбиясида ҳар бир онгли инсон жонбозлик кўрсатиш лозим эканлигини ақлий жиҳатдан сезишга ва шу кабиларга хизмат қилади.

Миллий ғурур- 1) шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланидиган, аجدодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз

халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча. Бу туйғу қуйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик, ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш, халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён қилиш соғлом миллий ғурур ўзга миллатга мансуб кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни тақозо қилади.

Бундай туйғуга эга маънавий етук киши миллийликни миллатчиликдан, ҳақиқий миллий ғурурни миллатпарастликдан фарқ қила олади, бошқа миллат вакиллариининг иззат нафси ва ғурурини камситмайди. Мустақиллик миллий ғурурини ошириб, ун халқ, ватан, аجدодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қиладиган мазмун билан боғламоқда. Бундай шароитда Ватанимиз мустақиллигидан фахрланиш, мамлакатимизда озод, фаровон ва эркин ҳаёт қуриш йўлида фаол меҳнат қилиш, жаҳон ҳамжамияти ютуқлари, универсал техноогиялардан фойдаланиш миллий ғурурни оширадиган омилладир. Бу эса ўз навбатида юртдошларимизнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини кўп жиҳатдан белгилайди, уларни ўзларида соғлом миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун тинмайизланишга сафарбар этади. (Фалсафа изоҳли луғат 271-272 бетлар).

Тадқиқотчи Қурбонов Тоҳир Ҳамдамович ўзининг “Ёшларда миллий ғурурнинг шаклланишида маданий мероснинг роли” мавзусидаги номзодлик диссертациясида “Миллий ғурур инсон онги ва фаолиятининг бири иккинчиси билан боғлиқлигини, ушбу ўзаро таъсир, ўзаро алоқадорлик механизмнинг характерини ифодалайди. Бошқача айтганда, миллий ғурур нафақат инсон миллий онгининг ривожланиш даражасини, балки уни амалий фаолиятининг ҳам асосий кўрсаткичидир. Худди шунинг учун ҳам турли замонларда алломалар ғурур тўғрисида турли фикр-мулоҳазаларни юритганлар. Чунончи, инглиз танқидчиси Ж.Коллинз “гарчи ғурур яхшилик ҳисобланмасада, лекин кўп

яхшиликларнинг бошидир”,-деган эди. Юнон файласуфи Теофрист: “Ғурур-ўзидан бошқаларнинг бирига нисбатан ўзига хос бир нафратдир”-дейди. Француз адиби М.Жонлис “Ғурур кўпинча ҳақиқий улуғворликка ғов бўлади”,-деган бўлса, ўрта аср мусулмон ҳадисшунос олими Ат-Термизий: “Мағрурнинг туриши”,-дейди”¹.

Ғурурнинг икки кутби: салбий ва ижобий томонлари мавжуд экан. Француз аҳоқшунос олими Ф.Ларошфуконинг “ғурур барчага хос хусусият, аммо фарқи шундаки. Уни қачон ва қаерда кўрсатишни билиш керак”,-деган чақириғига амал қилиниши демократик жамият талабига мос тушади (Давронов З.Миллий ғурур. “Ўзбекистон овози”, 1987, 31 март).

Миллий ғурур ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган қишлоқ ёки шаҳар, ота-боболари, аجدод ва авлодларининг масканини улуғлашда ота-онаси, ака-укалари, хешу-ахраболарини эъзозлашда, юртнинг ўтмиши, бугуни, келажаги билан фахрланишида ўз аксини топади. Худди шунинг учун ҳам мамлакатимизда янги жамият қурилаётган бугунги шароитда “Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак. ... Улуғ аجدодларимизнинг муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандлармизга бугуни ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айланиши лозим”².

Миллий ғурурнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири-миллий фахр, миллий ифтихордир. Манбаларда “ғурур”, “фахр”, “ифтихор” тушунчалари бири иккинчисига ўхшаш тушунчалар деб таърифланади. Уларнинг мазунан яқинлиги бўлсада, айтиб бериш пайтида бири иккинчисидан маълум даражада фарқ қилади. Маълумки, ҳар бир фуқаро ўз ютуқларидан қониқиш ҳосил қилганидек, ўз халқи, ўз Ватани, ўз миллати, ўз қишлоғи, ўз тумани, ўз вилоятининг ютуқларидан фахрланади. Фахрланиш миллий ғурурнинг бошланиши, қониқиш туйғуси бўлса, миллий ифтихор миллий ғурурнинг юқори босқичидир. Шунинг

¹ Qurbonov T. Yoshlarda milliy g'ururni shakllantirishda milliy merosning roli. Ixtisoslik 09.00.11.-Ijtimoiy falsafa. Falsafa fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertasiya Avtoreferati.-T.: 2005. 9 bet.

² Karimov I.A. Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir//Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir.3-jild. -T.: O'zbekiston, 1986, 82 b.

учун ҳам миллий ифтихор миллатни ижтимоий бирлик эканлигини ҳис қилишда намоён бўлади. Бошқача айтганда миллий ифтихор руҳий-маънавий фазилатдир.

Миллий ғурур инсонпарварлик билан уйғунлашиб кетади. Ўзбекона миллий ғурур бошқа миллатлар, элатларнинг миллий ғуруридан ўзининг инсонпарварлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекнинг инсонпарварлиги кексаларга ҳурмат, ёшларга меҳр-шафқат, бечора, ғариб, мискинларга, етимларга хайр-саховат, ота-оанинг кўнглига қараб иш тутиш, дўстларга, қариндош-уруғларга яхшилик қилиш, бошга ташвиш тушганда ғаммхўр, мададкор бўлиш, топганини яхшиликка сарфлаш каби миллий қадриятларимизда равшанроқ кўринади. Афсуски халқимизнинг биз юқорида санаб ўтган қадриятлари ҳамманинг турмуш тарзидан кенг ўрин олган деб бўлмайди. Бундай маданий-маънавий меросдан бебаҳра бўлиб қолган кишилар ҳам борки, улар худбинлиги, бахиллиги, ҳасадгўйлиги, очкўзлиги, ғаразгўйлиги билан ўзбек миллатининг обрўсини тўкади.

Миллий ғурури баланд инсон миллат, халқ, давлат, жамият манфаатини ўз манфаатидан ҳамиша устун қўяди. Миллатим, элим, юртим, халқим, Ватаним деб яшайди. Бутун ҳаётини миллий истиқлол истиқболига бахшида этади. Кўпчиликка фойда келтириш, кишилар дарду-ташвиши билан яшаш бундай одамлар фаолиятининг асосини ташкил этади. Бундай миллатпарвар, халқпарвар кишилар сони қанча кўп бўлса, демократик жамият қуриш жараёни шунча телашади. Миллий ғурури баланд кишилар сони кўп бўлган мамлакатда миллатлараро ҳамжиҳатлик, тотувлик, аҳиллик ривож топади.

Тадқиқотчи Рўзиева Дильноз Исомжоновна ўзининг “Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари” мавзусидаги докторлик диссертациясида, “Б.Аминов, Т.Расулов ўзларининг “Ватан-юрракдаги жавоҳир” номли китобларида ўқувчи ёшларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, уларни Ватанга фидоийлик, иймон-эътиқодлилик, ота-боболар мероси, панд-насихатларига садоқатли бўлиш руҳида тарбиялашга доир ўқув

материалларини тақдим этганлар”¹, -деб таъкидлаган.

Педагогика фанлари доктори О.Мусурмонова “Оила маънавияти миллий ғурур” номли асарида “Оила инсонларнинг табиий-биологик, физиологик, иқтисодий, ҳуқуқий-қонуний, маънавий-ахлоқий алоқа муносабатлари асосида қурилган ижтимоий бирликдан иборатдир. ... Болалар тарбиясида асосий таъсирчан куч-қудрат. Бу оиладир. ... оила ва унинг моҳияти, оиланинг ҳар томонлама жипслигини таъминлаш шарт-шароитлари, оила тарбияси миллий ифтихордир” (... 32 б.).

Демак, педагог олима Д.Рўзиева таъкидлаганидек, шахс ғурури-бу муайян шахсга хос бўлган психологик хусусият бўлиб, у шахснинг ижтимоий мавжуети, шахсий хусусиятлари, турмуш тарзи, касбий ёки ижтимоий фаолият, эришилган муваффақиятларидан қониқиш ҳосил қилиш саналади. Миллий ғурур туйғусига эгаллик маълум миллатга мансуб инсоннинг ана шу миллатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, мавқеи, инсоният тараққёити ва цивилизациясига қўшган ҳиссасини англаш, фазрланиш ва қониқиш демакдир.

Миллий ғурурни тарбиялаш борасида:

- Миллий тарихимизни ўрганишга ҳурмат ҳиссини шакллантириш;
- Миллий урф-одат, анъаналаримиз, қадриятларимиз тўғрисида чуқур билимга эга бўлиш;
- Мустақиллик йилларида бунёд этилган корхона, завод ва фабрикаларимиз, қишлоқ, шаҳар қурилишлари, уларнинг қиёфасини тубдан ўзгарганлигини ҳис этиш;
- Она тилимизни эъзозлаш ва қадрлаш;
- Республикамизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг маданиятига, уларнинг миллий қадриятларига оғли ёндашувни тарбиялашдан иборат.

¹ Ro'ziyeva D. Oliy ta'lim muassasalari talabalarida milliy iftixor tuyg'usini shakllantirishning ilmiy-pedagogik asoslari. 13.00.01-Umumiy pedagogika, pedagogika va ta'lim tarixi. Pedagogika fanlari nomzodi darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiyasi. 33 b.

Биринчи боб юзасидан хулосалар

Миллий ғурур ўз миллатининг чинакам фидойиси бўлган ҳар бир инсонга мос ички руҳий туйғудир. Ўз миллатини севадиган ҳар бир инсон унинг юутуқлари, обрў-эътибори билан фахрланади. Миллий ғурури юксак инсон ўз элига, миллатига жонкуяр бўлади, унинг муваффақиятларидан қувонади. Миллий ғурури мустаҳкам бўлган миллат вакилларининг бирлиги мустаҳкам бўлади, бу миллатни қурол кучи билан енгиш мумкин эмас, уни маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам енгиб бўлмайди. Шу боис, педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, миллий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимизни асраб-авайлашга, миллий тарихимизни чуқур ўрганишга, тилимиз, муқаддас динимизни чин дилдан ҳурмат қилади, бу жараёнларни асраб-авайлашга ҳаракат қилади

Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг назарий асосларини ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

-  Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантиришнинг миллий педагогикамисизнинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги асосланди;
-  Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилди;
-  Коллеж ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг мазмуни ва моҳияти ўрганилди;
-  Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, бугунги ҳолати бу борадаги имкониятлари ўқув режа, дастур, дарсликлар орқали ўрганилди. Мавжуд ҳолатини таҳлил этиш ўқувчи-ёшларда, жумладан педагогика коллежи ўқувчидарида миллий ғурурни шакллантиришнинг ижтимоий заруриятини асослашга хизмат қилади.

II БОБ. Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг мазмуни, шакл ва методлари

2.1 Ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол усуллардан фойдаланиш

Ўқув жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш тўғрисида дастлаб фикримизни Республикамизда шу соҳада муайян тажрибага эга бўлган Ф.Ишмуҳаммедов, А.Абдуқодиров, А.Пардаевларнинг фикр-мулоҳазаларидан бошласак. Ушбу муаллифларнинг бир қатор илмий-тадқиқот ишларида шу жумладан, “Таълимда инновацион технологиялар”¹ қўлланмасида бир ривоятни келтиради: “Кунлардан бир кун кўл бўйида қорни оч қолган бир киши балиқ тутиб турган донишмандга дуч келибди унга мурожаат қилиб: “Мен очман, менга ёрдам бер!” Донишманд қуйидагича жавоб берибди: “Мен сенга балиқ беришим мумкин, сен тез тўясан ва бир оз вақт худди шундай яна оч қоласан ва мендан яна ёрдам сўрайсан. Мен сенга қармоқ беришим мумкин, лекин у қачондир синиб қолиши мумкин, унда сен менга яна мурожаат қилишингга тўғри келади. Яхшиси мен сенга қармоқ яшашни ўргатаман, бу узок ва қийин, лекин кейинчалик сенга менинг ёрдамим керак бўлмайди, ўз йўлингни танла”.

Бу ривоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, яхши ўқитувчи талабага (ёки ўқувчига) “қармоқ яшашни” ўргатиши ва ақлли ўқувчи эса уни ўрганиши лозим. Талаба “қармоқ яшашни” қанчалие тез ва мустақкам ўрганиб олсалар, улар шунчалик бошқаларга муҳтож бўлмасдан ўз “овларига” эга бўладилар. Мана шундай вазифаларни амалга оширишда янги интерфаол ва ноанъанавий педагогик технологиялар қўл келиши ўтказилган тажрибалар орқали маълум бўлмоқда. Шу боис, бугунги кунда таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ўз соҳалари бўйича олиб бораётган машғулотларда интерфаол услублардан ўз ўрнида фойдаланишлари лозим.

Педагогика фанидан изоҳли луғатда-интерфаол машғулотлар ўқитувчи

¹ Ishmuhammedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. TA’limda innovation texnologiyalar. –T.: Iste’dod, 2008, 23 b.

ва ўқувчилар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот. Бунда жараён ҳамкорликда кечади.

Интерфаол методлар-бу таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро тенг мулоқот ва таъсирдаги дарс жараёнини амалга ошириш усули. “Интерфаол” сўзи “итерактив” сўзининг ўзбек тилидаги баёни. “Интерактив” сўзи инглизчадаги interent сўзидан олинган бўлиб, у inter-“ўзаро”, akt-“ҳаракат”, “таъсир”, “фаоллик” маъноларини билдиради.

Интерфаол усул-бу таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорликдаги таълим усули бўлиб, унда таълим олувчи ва таълим берувчи бир-бирини тўлиқ тушунишга эришилади. “Интер” сўзи латинча бўлиб, ўзбек тилидаги “оралиқ”, “ўртаси”, “ўзаро” каби маъноларни билдиради. Шу сабабли интерфаол усуллар таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги фаолликка асосланган таълим услубияти деб аташ мумкин. Мазкур усулда таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилади ва бу орқали улардаги эркин фикрлашга кенг йўл очилади. Бу талаба-ёшларнинг мустақил равишда оптимал қарорлар қабул қила олишга, ижодий фикр юритишга имконият яратади.

Интерфаол усулнинг метод-вазифаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- Таълим олувчиларни эркин, мустақил, танқидий, таҳлилий, мантиқий, жодий фикрлашга ва улар асосида тўғри қарорлар қабул қилишга ўргатиш;
- Таълим олувчиларнинг муаммоли вазиятлардан қийналмай чиқа олишга, назарий ва амалий ҳамда касбий (ҳаётий) топшириқларни бажаришга уддалашга ўргатиш;
- Таълим олувчилардан ҳамкорликнинг самарали йўллари ва касбий билим, кўникма ҳамда малакаларни эгаллашга бўлган хатти-ҳаракатларини фаоллаштириш;
- Таълим олувчиларни ташкилотчилик, бошқарувчилик (рахбарлик) ва йўналтирувчиликка ундаш.

Интерфаол усуллардан фойдаланиш шакллари:

- Машғулот топшириқларини индивидуаллаштириш;
- Ўзаро фаол ва ижодий ҳамкорлик қила оладиган майда гуруҳларга ажратиш;
- Гуруҳдаги талабаларни интеллектуал салоҳиятларга қааб табақаларга ажратиш ва улар орасидаги тафовутга эътибор бериш;
- Таълим бериш ва ўрганиш жараёнидаги эркин мулоқот қила олишмуҳитини яратиш;
- Таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасидаги ҳамда кичик (ажратилган) гуруҳлар ўртасидаги эркин мулоқот, ижодий ҳамкорлик, фойдали “бахс-мунозаралар” ни ташкил этишга эришиш ва ҳ.к.

Интерфаол усуллардан фойдаланиш воситалари:

- Касбий дидактик ўйинлар;
- Ролли ўйинлар;
- Касбий компьютерли ўйинлар;
- Интерфаол ўқув адабиётлари;
- Интерфаол техника воситалари;
- Методик маҳсулотлар;
- Интерфаол маҳсулотлар.

Интерфаол воситалар:

- Аудио, видео ва электрон анжуманлар; образли ва ёзувли икки томонлама мулоқот қила оладиган оддий ва йўлдошли алоқалар; телеанжуманлар ва шу кабилар.

Интерфаол бўлмаган воситалар:

Машғулотга тегишли дидактик мажмуалар; аудио ва видео тасмалар (дисклар); бир томонлама оддий ва йўлдошли алоқалар; телевизион кўрсатувлар; радиоёшиттиришлар; компакт дисклар; “интернет” тармоқлари ва шу кабилар.

Интерфаол усуллардан фойдаланиш ўқитиш жараёнига самарали таъсир кўрсатиб, ўқув жараёнини жонли ташкил этишни таъминлайди. Шу билан бир

қаторда аввалги билимлар ва янги ахборотлар ўртасида боғланиш ҳосил қилиб, материални тўла тушунишга замин яратади”¹.

Тадқиқотчилардан Ф.Йўлдошева, Г.Йўлдошевлар таъкидлагандек, интерфаоллик-ўзаро фаоллик, ҳаракат, таъсирчанлик, ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотларида содир бўлади. Интерфаол усулнинг бош мақсади ўқув жараёни учун энг қулай вазият яратиш орқали ўқувчининг фаол эркин фикр юритишига муҳит яратишдир. У ўзини интеллектуал салоҳиятини, имкониятларини намоён этади ва ўқув сифати ва самарадорлигини оширади, таъмин тади. Интерфаоллик асосида ўтган дарсни ташкил этиш шундай кечадики, бу жараёнда бирорта ҳам ўқувчи четда қолмайди, яъни, улар кўрган, билган, ўйлаган фикрларини очиқ-ойдин билдириш имкониятига эга бўладилар.

Ўқувчилар ҳамкорликда ишлашда мавзу мазмунини билим, ўзлаштиришда ўзларининг шахсий ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўладилар. Ўзаро билимлар, ғоялар, фикрларни алмашиш жараёни содир бўлади. Бундай ҳолатлар ўзаро самамийликни таъминлайди, янги билимларни олиш, ўзлаштиришга ҳавас ортади, бу жараёнда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро дўстона муносабатлар вужудга келади. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта.

Диалоглар асосида кечган ўқув жараёнларида ўқувчи танқидий фикрлашга, мураккаб масалаларни таҳлил асосида ечишни топишга, шунга яраша ахборотни излаш, айримальтернатив фикрларни ўзаро мунозараларда эркин баён қилишга ўрганади ва шундай кўникмалар шаклланади. Интерфаол дарсларни ташкил этишда ўқув жараёнида якка тартибда, жуфт бўлиб ишлаш, гуруҳларда ишлаш, изланишга асосланган лойиҳалар, ролли ўйинлар, ҳужжатлар билан ишлаш, ахборот манбалари билан ишлаш, ижодий ишлашдан фойдаланиш мумкин (Пед фан изох луғат. 190-191 б.).

Интерфаол усуллардан бири **“Ақлий ҳужум”** бўлиб, бу услуб бевосита жамоа бўлиб, “фикрлар ҳужуми”ни олиб бориш. Бу услубдан мақсад қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талаба (ёки ўқувчи)ни айнаи бир хил

¹ J.Hasanvoyev va boshqalar. Pedagogika fanidan izohli lug'at. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2009, 191-192 б.

қикрлашдан ҳоли қилиш, ижодий вазиятларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгитдир.

“Тармоқлар” (кластер) услуби-Фикрларнинг тармоқланиши-педагогик стратегия бўлиб, у талаба (ёки ўқувчи)ларнинг мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрларини эркин ва очик узвий боғланган кетма-кетликда тармоқланишни ўргатади. Фикрларни тармоқлаш қуйидагича ташкил этилади:

1. Хаётлга келган ҳар қандай фикр бир сўз билан ифода этилиб кетма-кет ёзилади.
2. Фикрлар тугагунча, ёзишда давом этилади ва фикрлар тугаса, у ҳолда янги фикр келгунга қадар бир расм чизиб турилади.
3. Дарсда имкон борича фикрларнинг ва ўзаро боғлиқ кетма-кетлигини кўпайтиришга ҳаракат қилиниши лозим.

Бахс-мунозара (discussion metod)-усулида гуруҳ аъзолари бирор муаммони ечиш (ёки билимларни ошириш, ёки мавзуга тушуниш) мақсадида ўз ғояларини оғзаки таклиф этадилар. Усулдан самарали фойдаланиш учун иштирокчилар муҳокама предметиға оид етарли билим ва тажрибаға эға бўлишлари лозим. Бу усул катталар таълимида кўпроқ самара беради.

Сухбат услуби-оғзаки баён қилиш услуби бўлиб, талаба (ёки ўқувчи)нинг билимларини аста-секин ўзлаштиришларға олиб боровчи пухта ўйланган саволлар тизимидир. Бу услуб материалларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш ва янги билимларни баён қилишда қўлланилади.

1. **Эвристик сухбат** (эвристика юнонча сўз бўлиб-hinrisio-излайман, топаман, кашф этаман маъносини англатади).

Мақсад-ўқитувчининг моҳирона қўйган саволлари ёрдамида ҳамда талаба (ёки ўқувчи)нинг тиришқоқлиги ва мустақил фикрлари туфайли уларни янги билимларни жадал ўзлаштиришларини таъминлаш;

Бу сухбатда ўқитувчининг битта саволиға талаба (ёки ўқувчи)ларнинг кўплаб жавобларини кутиш мумкин.

2. **Катехизик суҳбат** (катехизис юнонча сўз бўлиб, katechesis “насиҳат, ўғит” маъносини англатади)-бирор-бир таълимот асосларини савол-жавоб тарзидаги қисқача баёни.

Мақсад-талаба (ёки ўқувчи)ларнинг билимларини тушунганлик ва ўзлаштирганликларини назорат қилишдир. Бу услуб, биринчи ўринда, хотира ва тафаккурнинг ривожланишига ёрдам беради. Бу суҳбатда ўқитувчининг битта саволига талаба (ёки ўқувчи)лар битта аниқ жавоб тўғри жавоб беришлари керак.

Сукрот услуби ва малвтикага асосланган (малвтика-юнонча сўз бўлиб- maieititike-“повивал санъат” инсондаги яширинган билимларни ўйлаб кўришга ундайдиган ёрдамчи саволлар орқали юзага чиқариш маъносини англатади).

Суҳбатнинг мақсади-диалектик фикрлашга, баҳс-мунозара санъатига ўргатиш, қатъиян ман қилинадиган фикрлардан қочишдан иборат.бу суҳбатда суҳбатдошни иккиланиш, ўз фикрларини баён этиш ҳолатини аниқлашга қаратилган оғзаки мулоқот услуби ишлатилади.

Шунингдек, бугунги кунда таълим тизимида “Бумеранг”, “3/4” технологияси, “Блиц-сўров” усули, ФСМУ, “Мулоқот”, “Баҳслашув”, “Дебат”, “Зинама-зина”, “Танишув” каби интерфаол услуб ва инновацион технологиялардан фойдаланилмоқда.

Жумладан, Самарқанд 1-сон педагогика коллежи ўқитувчилари ҳам таълим сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида бу борада бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар.

Педагогика коллежида ўқувчилар 3141603-Жисмоний тарбия ва болалар спорти, 3141600-Бошланғич таълим йўналиши, 3141602-Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, 3141000-Мусиқа йўналишларида таҳсил олишмоқда. Ўқувчиларга “Маънавият асослари”, “Педагогика”, “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” каби ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилмоқда. Шу ўринда дарснинг ўзи нима, уни ташкил қилиш шаклларига қисқача изоҳ берсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи

билан олиб бориладиган таълим машғулотларига айтилади.

Дарс – ўқув машғулотларининг асосий ташкилий шаклидир.

Дарс – ўқув ишларининг марказий қисмидир.

Коллежларимиз босиб ўтган тарихий давр ичида таълимни ташкил қилиш шакллари ўзгарди, ривожланди. Ҳозирги коллежларимизда қўлланилаётган синф-дарс тизими қуйидаги ташкилий шаклларда олиб борилади:

1. Ҳар қайси синф ёши билимига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс машғулоти асосан 80 минутга мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади.

3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва якка шаклда олиб борилади.

4. Дарс ўтилаётган материалларнинг мазмунига қараб, хилма-хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

Айни пайтда, коллежларимизда таълимни ташкил қилиш шакллари икки турда олиб борилмоқда:

1. Синф – дарс шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

2. Амалий ва тажиба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Синф – дарс шаклида олиб бориладиган машғулотлар ўқитувчининг кундалик ўқув материални тизимли баён қилиб беришни, хилма-хил усуллардан фойдаланишни, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини изчиллик билан ҳисобга олиб беришни, ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатишни ўз ичига олади.

Турли-туман фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.

2. Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий-сиёсий йўналишга ега бўлмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланмоғи лозим.
4. Ҳар бир дарс хилма-хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланилган ҳолда олиб борилмоғи лозим.
5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.
6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.
7. Дарсда ўқув материалларининг мазмунига оид кўргазмалар, қурооллар, техника воситалари ва компютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.
8. Дарс машғулотини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳимобга олинади.

Ҳар бир дарсда мавзунинг характеридан келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланмоқ имкониятини изламоқ лозим.

Қуйида биз коллеж ўқувчиларида миллий ғурур, ифтихор ва ўзликни англашни шакллантиришга хизмат қиладиган дарс “Маънавият асослари” фанидан 1-курс ўқувчилари учун ўқув дарс ишланмасини келтирдик.

**ЎРТА ОСИЁЛИК МУТАФАККИРЛАРНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИ
РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАЪНАВИЯТИ
Маърузани олиб бориш технологияси**

Маърузага ажратилган соат-	Ўқувчилар сони
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Маъруза режаси	1. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида илм-фан ва маданият. 2. Соҳибқирон Амир Темурнинг маърифий қарашлари ва унинг педагогика фанида тутган ўрни. 3. Мирзо Улугбекнинг илмий мероси ва унинг таълимий-тарбиявий қарашлари. 4. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маърифий-ахлоқий қарашлари. 5. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Давоний, Воиз Кошифийларнинг таълимий – ахлоқий қарашлари
Машғулотнинг мақсади: ХИБ-ХВИ асрларда Мовороуннахрда тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёти ҳақида тушунча ҳосил қилиш, умумий тасаввурни	

шакллантириш.	
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолияти натижалари:
1.Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида илм,фан ва маданияти,тараққиёти масалаларини ёритиб беради. 2.Амир Темурнинг маърифий қарашларида таълим-тарбияда тутган ўрни ҳақида маълумот беради. 3.Мирзо Улуғбекнинг илмий мероси ва унинг таълимий-тарбиявий қарашлари баён этилади. 4. З.М.Бобурнинг маърифий-ахлоқий қарашлари ёритилди. 5. Алишер Навоий,А.жомий,Давоний ва Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий қарашларини ёритиб беради.	1.Амир Темур ва Темурийлар сулоласи даврида илм-фан ва маданият юксак ривож,А.Темурнинг илм фан ва маънавият ва маданият ҳомийси эканлигини айтиб беради. 2. Амир Темур илм-маърифат,маънавият,маданиятни ривожлантиришдаги фаолияти ҳақида,унинг”ўғитлари”, “Темур тузукларида” илгари сурилган сифатларни изоҳлаб беради. 3.Улуғбекнинг илмий мероси, илмий фанга қўшган улкан хиссаси,илм фанни ривожлантириш мақсадида олиб борган ислохатлари ва унинг ҳозирги даврдаги аҳамиятини айтиб беради ва назарий билмга эга бўлади. 4.З.М.Бобурнинг илм-фан,маданият,маърифат соҳасидаги олиб борган ишлари одоб-ахлоқ ҳақидаги фикрларини унинг асарлари орқали изоҳлаб беради. 5.А.Навоий, Жомий,Давоний ва Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий қарашларини,улар томонидан яратилган ва ҳозирги кунда ҳам таълим-тарбия соҳасида жуда катта аҳамият касб этган илмий мерослари ва улардан ҳозирги замон таълим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида назарий билмга эга бўладилар.
Таълим методи	Маъруза,тушунтириш,ақлий ҳужум,каскад.
Таълимни ташкил этиш шакли	Маъруза,оммовий гуруҳлар
Дидактик воситалар	Маъруза матни,слайд,такдимот
Ўқитиш шарт-шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
Мониторинг ва баҳолаш	ўз-ўзини назорат қилиш, савол-жавоб

**ЎРТА ОСИЁЛИК МУТАФАККИРЛАРНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИ
РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАЪНАВИЯТИ
Маърузанинг технологик картаси**

Иш жараёнлари вақти	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
И-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолиятижараёнини тушунтиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Ўқувчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезон-лари билан таништиради..	Тинглайдилар. ЎУМ га қарайдилар.
	1.3. Саволлар бериб суҳбат тарзида ўқувчилар билимларини жонлантиради.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
III-босқич. Асосий (50 минут)	2.1 Мавзунинг мазмунини очиб беради ва шарҳлаб боради. Маърузанинг асосий жойларини конспект дафтарига ёзиб бориш	Тушунчаларни санаб берадилар.

	кераклиги уқтиради. Ўқувчилар таянч маълумотлар билан танишганларидан сўнг қуйидаги топшириқни эълон қилади. Экранда берилган топшириқларга оғзаки жавоб берадилар. Берилган топшириқлар бўйича топ-шириқларни бажаришни ташкиллашти-ради. Бир неча жуфтликлар топширган оғзаки жавоб натижалари текширилади ва хулосаланади.	
	2.2. Экранда кўрсатилган маълумотлар асосида “Каскад” техникасидан фойдала-нилган ҳолда уларни талқин этишга оид мисоллар мазмунини тушунтиради. Ба-жариш бўйича маслаҳатлар беради. Кузатиб боради.	Тинглайдилар ЎУМга қарайдилар
	2.3. Кутилган натижалар асосида экрандаги тушнчаларни оғзаки равишда изоҳ беришни ташкил-лаштиради. Жавобларни таққослайди ва хулосалайди.	Схема-слайдлар-нинг мазмунини муҳокама қилиб борадилар ва савол берадилар.
ИИИ-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади.	Тинглайдилар.
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги ўқувчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар.
	3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар беради.	ЎУМ га қарайдилар.
	3.4. Мавзу бўйича мустақил иш ва семинар топшириқларини беради.	ЎУМ га қарайдилар.

ЎРТА ОСИЁЛИК МУТАФАККИРЛАРНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАЊНАВИЯТИ РЕЖА:

1. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида илм-фан ва маданият.
2. Сохибқирон Амир Темурнинг маърифий қарашлари ва унинг педагогика фанида тутган ўрни.
3. Мирзо Улугбекнинг илмий мероси ва унинг таълимий-тарбиявий қарашлари.
4. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг маърифий-ахлоқий қарашлари.
5. АлишерНавоий, Абдурахмон Жомий,Давоний,Воиз Кошифийларнинг таълимий –ахлоқий қарашлари

Таянч тушунчалар: «Марказлашган давлат»; «Мадраса ва мактаб», «илм-фан», «маданият, санъат», «Амир Темур тузуклари», «Зижи Кўрагоний»,

«Улуғбекнинг таълим ислохатлари», «Бобурнома», «Есдаликлар» Алишер Навоийнинг тарбия концепсияси, яхшилик ва ёмонлик, муносиб ва номуносиб кишилар, Жомий ва поклик, Жомий ва комиллик, покизалар шаҳри, Жалолиддин Давоний “Ахлоқий жалолий”, Ҳусайн Воиз Кошифий ва комил инсон тарбияси, воизлик, футувват, футувват ва сўфийлик, тарбия методлари.

1. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида илм-фан ва маданият. Тарихдан бизга маълумки, XIV асрнинг ўрталарида Марказий Осиёда майда феодал ҳокимлар ўртасида низо кучайди, иқтисодий қийинчиликлар юз берди, сиёсатда қатъиятсизлик авж олди. Ҳокимлар ўртасида низолар кучайиши натижасида мамлакат 10 та мустақил беклик ва амирликларга бўлиниб кетди.

Шундай оғир бир парокандалик вазиятда эл-юртнинг оғир юкини Амир Темур ўз елкасига олди ва қарийиб 10 йил (1360-1370) давом этган оғир курашдан сўнг мамлакатни мўғуллар истибдодидан халос қилди. 1370-1380 йиллар мобайнида Амир Темур сайёҳи ҳаракатлари самараси натижасида беклар ва амирлар ўртасида низоларга барҳам берилди ва Мовароуннаҳрдаги тарқоқ, амирликлар марказлашган ягона феодал давлатнинг байроғи остида бирлаштирилди.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида жаҳоннинг кўплаб шаҳарларидан Самарқандга хунармандлар, санъаткорлар, муҳандислар, олиму-фозиллар олиб келинди ва уларнинг тажрибаларидан илм-маърифат, маданият ва қурилиш жабҳаларида кенг фойдаланилди. Самарқанд ва Хиротда мадрасалар, расадхоналар, боғу-роғлар, маданият ўчоғлари барпо этилди. Шу даврга келиб тиббиёт илмини ўрганишга қизиқиш янада кучайди. Риёзиёт, фалакиёт, жўғрофия, тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқий, тарғибот, тарбияшуносликка оид бир қатор ажойиб ва муҳим асарлар яратилди. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Ҳайём, Саъдий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Имом Бухорий, Ат-Термизий меросларини, шунингдек, юнон-рим маданиятини ўрганишга ҳаракат кучайди. Мамлакатда давлатни бошқаришни мукаммаллаштириш, қурилиш, ободончилик, суғориш ишларига, шаҳарлар ўртасидаги савдо йўллари кенгайтиришга катта эътибор берилди.

Соҳибқирон Амир Темур сайъи ҳаракати туфайли Самарқанд шаҳри янгидан қайта тикланди. Шаҳарда Кўк сарой, Бибихоним масжиди, Шохизинда мақбараси, шаҳар атрофида Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Бехишт, Боғи Нав, Боғи Жамол, Боғи Нақшижаҳон, Боғи Шохрух, Боғи баланд, Боғи давлатобод, Боғи Бўлди, Боғи майдон, Боғи Жаҳоннома каби боғ ва саройлар барпо этилди.

Марказий Осиёда рассомчилик, наққошлик, безакли-бадий буюмлар ишлаб чиқариш юқори даражага кўтарилди.

Соҳибқирон Темур ва темурийлар даврида - шеърят, мантиқ, фалсафа, тарих, ҳуқуқ, астрономия, математика, нафосат, тилшунослик, луғатшунослик, мусиқашунослик, тарбияшунослик, меъморшунослик, тижорат — тадбиркорлик, таржимонлик, хаттотлик, жўғрофия ва элшунослик каби бошқа ўнлаб дунёвий билимларни ўрганиш, шу билимлар асосида асарлар яратиш йўлга қўйилди.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўрнатилган тинчлик мамлакатда маданият, илм-фан, халқ оғзаки ижоди, адабиёт ва санъатнинг ривожига, мадрасаларда таълим-тарбиянинг юқори савияда бўлишида муҳим омил бўлди.

XV асрда Марказий Осиёда тарих фани кенг ривож топди, тил, мантиқ, фалсафа, тарбияшуносликка доир ўнлаб асарлар яратилди. Айниқса, Мир Сайд Шариф Журжоний, Хофиз Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир, Давлатшоҳ Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Шарофиддин Али Яздий ва шу каби ўнлаб олиму-фузалоларнинг яратган асарлари жаҳон фанида катта ўрин эгаллади. Султон Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврга келиб, олимлар ва шоирлар Самарқанддан Ҳиротга кўчиб ўтдилар. Хирот илмий-маданий марказга айлантирилди. Алишер Навоий Хиротда фан, маданият, илм ва маърифатга ҳомийлик қилиши натижасида бу ерда шоирлар, мусаввирлар, хаттотлар, олиму-фозиллар етишиб чиқиб, жаҳон илму фани оламида ном қозондилар.

2. Соҳибқирон Амир Темурнинг маърифий қарашлари ва унинг аҳамияти. Сизларга муълумки, узоқ йиллар мобайнида мустамлака

исканжасида Кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўрнига қўйиш имконидан маҳрум эди.

Мустақиллигимиз шарофати ила бундай номақулчиликларга чек қўйилди. Тарихни холисона ўрганиш, тарихни сохталаштирмай, унинг сарҳадларини бузмай, бор ҳақиқатни ойдинлаштириб маълумот бериш имкониятларига эга бўлдик...

Дарҳақиқат ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутилишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аجدодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийиб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зўравонлик эмас, адолатда эканини теран англатди. Шу боис бўлса керакки, ўтмишда жаҳон илм ахли, машхур муаррихлар ўз асарларида Амир Темур исмига Кўрагон, Соҳибқирон, Қутбиддин, Абулмансур каби унвонларни қўшиб, уни эъзозлаб, улуғлаб, хикоят, ривоят ва хотиралар битганлар.

«Тарихий манбаларда зикр этилишича, Амир Темур хушфеъллик, адолат, саховат, лутфи-карам, ислом ахлоқ-одоб қоидаларига риоя ва амал қилиш, инсонларни жамиятда тутган ўринлари қандай бўлишидан қатъий назар баробар ҳурмат қилиш, улар билан самимий муомалада бўлиш, берилган ваъда ва зиммага олинган аҳдномаларни вақтида бажариш каби қатор юксак инсоний фазилатларга эга бўлган.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртни мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машхур қилди.

Тарих фанлари доктори проф. Ашраф Аҳмад Соҳибқирон Амир Темурнинг

ўзи амал қилган сифатларни юксак баҳолайди. Булар қуйидагилар:

-... Ҳаммага ҳам бир хил: жиддий ва одил қарадим... Бойни камбағалдан устун қўймадим;

-... Исломга катъий риоя қилдим. ...

-Мен камбағалларга кўп хайр-ех, сон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим;

-Халойиққа раҳм қилдим, барчага наф еткурдим.

-... Бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрашдан итармадим...;

-Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қилиб келдим...;

-Барча сўзларимдан доим ҳақиқатгўйликка амал қилдим...

-Мен ҳар кимга ваъда берсам, унга вафо қилдим...;

-Аоимо ўзимни Аллоҳнинг ердаги мулкининг посбони деб билдим ва парвардигор изнисиз уни сарф этмадим...;

-Мен ҳар доим инсоф байрошни баланд кўтардим ва иймон таркатишни ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим...;

-Мен доим сайдларга эҳтиром билан қарадим, уламо ва шайхларни эъзозладим...

Шундай қилиб соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насихатлари ва пурмаъно ўғитларининг ҳар бир мазмун ва маъно кенглиги, мантикнинг кучлилиги, теранлиги, таъсири умуминсоний қадриятлар асосига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, уларни ҳадсиз ҳазина, одоб-ахлоққа оид дастурлар дея оламиз.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. XIV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда фан, маданият ва маориф тараққиёти қай даражада эди?

2. Нима сабабдан ХИБ асрнинг иккинчи ярми - ХВИИ асрлар Шарқ уйғониш даврининг иккинчи босқичи дейилади?

3. Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар сулоласи даврида қандай маданий - маърифий масканлар барпо этилди, тарихий обидаларни изохланг?

4. Амир Темур ўзи амал қилган сифатлар қандай эди ва уларни изохланг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. **Каримов И.А.** Юксак маънавият енгилмас куч Т.2008 Биздан озод ва обод ватан колсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 91-93-бетлар

2. **Каримов И.А.** Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. Т.,Ўзбекистон, 1996.

3. **Каримов И.А.** Истиклол ва маънавият.Т. «Ўзбекистон»,1994.

4.**Амир Темур ва темурийлар ҳақида.**

5. **Амир Темур ўғитлари.** Т.: Чўлпон, 1992.

6.**Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат** Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996

7.**Ахмедов А. Улугбек.** Тошкент, ФАН 1991

8. **Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи.**

9. **Мўминов И.** Амир Темурнинг ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Тошкент, ФАН, 1969, 1993 й.

10. **Темур тузуклари.** Проф. Б.Ахмедов тахр. ост. Адабиёт ва санъат нашриёти - Т., 1991.

11. **Ҳасанов Х, Ахмедов Б.** Амир Темур дарслари Т; Шарқ 2000.


12. **Ҳасанова Б.** Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Хусайн Воиз Кошифийларнинг таълимий – ахлоқий қарашлари. Т., ТДПУ 2006й.

13. **Ўзбек Педагогикаси Антологияси.** (Туз. Ҳошимов К; Сафо Очил.) Т.:Ўқитувчи 1995;2000

«Каскад» технологияси

Ушбу технология ғоялар тизимини ишлаб чиқишга кўмак беради.

Асосий мақсади: аниқ ва ижодий фикрлаш қобилиятини фаоллатириш.



Соҳибқирон Амир Темур сайъи ҳаракати туфайли Самарқанд шаҳри янгидан қайта тикланди. Шаҳарда Кўк сарой, Бибихоним масжиди, Шохизинда мақбараси, шаҳар атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав каби боғ ва саройлар барпо этилди.

Кўҳак - Зарафшон, Амударёга кўприклар қурилди. Тошкент атрофида каналлар қазилди


Соҳибқирон Темур ва темурийлар даврида - шеърят, мантиқ, фалсафа, тарих, ҳуқуқ, астрономия, математика, нафосат, тилшунослик, луғатшунослик, мусиқашунослик, тарбияшунослик, меъморшунослик, тасвирий санъат, тижорат — тадбиркорлик, таржимонлик, хаттотлик, жўғрофия ва элшунослик каби бошқа ўнлаб дунёвий билимларни ўрганиш, шу билимлар асосида асарлар яратиш йўлга қўйилди.

Улуғбек замонида келиб эса математика, астрономия каби фанлар айниқса ривож топди. Тиббиёт, тарих, адабиёт ва шулар билан бир қаторда диний билимларнинг ҳам равнақ топишига катта эътибор берилди. Олий мактаб - мадрасалар қурилди. Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувонда қурилган уч мадраса фан тараққиётида илмий марказ бўлиб келди.


Бухородаги мадраса пештокига битилган қуйидаги ёзувлар халигача яққол кўзга ташланади: «Илм олмоққа интилоқ ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир». Шу сабабли ҳам, биз ҳеч иккиланмай ХИВ асрнинг иккинчи ярми ва ХВИ аср Марказий Осиё тарихида уйғониш даври бўлиб тарих саҳифаларидан ўрин олди дея оламиз

ХВ асрда Марказий Осиёда тарих фани кенг ривож топди, тил, мантиқ, фалсафа, тарбияшуносликка доир ўнлаб асарлар яратилди. Айниқса, Мир Сайид Шариф Журжоний, Хофиз Абдулло Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир, Давлатшоҳ Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Шарофиддин Али Яздий ва шу каби ўнлаб олим-фозилларнинг яратган асарлари жаҳон фанида катта ўрин эгаллади. Султон Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврга келиб, олимлар ва шоирлар Самарқанддан Хиротга кўчиб ўтдилар. Хирот илмий-маданий марказга айлантирилди. Алишер Навоий Хиротда фан, маданият, илм ва маърифатга ҳомийлик қилиши натижасида бу ерда шоирлар, мусаввирлар, хаттотлар, олим-фозиллар етишиб чиқиб, жаҳон илму фани оламида ном қозондилар.


ХИВ-ХВИ асрларда Мовароуннаҳрда илм-маърифат, таълим-тарбия, маданият, санъат ва педагогик фикрлар юксак тараққиёт даражасига эришган деб айта оламиз.



Амир Темур давлатини бошқаришдаги 4 омил



**А.Темур ва темурийлар сулоласи даврида
яратилган маънавий мероснинг ўзбек халқининг
маънавий тикланишида тутган ўрни**



**АМИР ТЕМУР
ЎЗИ АМАЛ
ҚИЛГАН
СИФАТЛАР
ТАСНИФИ**

-... Ҳаммага ҳам бир хил: жиддий ва одил қарадим... Бойни камбағалдан устун қўймадим;

-... Исломга катъий риоя килдим. ...

-Мен камбағалларга кўп хайр-ех,сон килдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф килдим;

-Халойикка раҳм килдим, барчага нафъ еткурдим.

-... Бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрашдан итармадим...; -

-Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қилиб келдим...;

-Барча сўзларимдан доим ҳақиқатгўйликка амал килдим...

-Мен ҳар кимга ваъда берсам, унга вафо килдим...;

-Аоимо ўзимни Аллоҳнинг ердаги мулкининг посбони деб билдим ва парвардигор изнисиз уни сарф этмадим...;

-Мен ҳар доим инсоф байрошни баланд кўтардим ва иймон таркатишни ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим...;

-Мен доим саидларга эҳтиром билан қарадим,

Амир Темур фахримиз-ғуруримиз

«Kimki o'zbek nomini, o'zbek millatining kuch-qudratini, adolatparvarligini, cheksiz imkoniyatlarini, uning umumbashariyat rivojiga qo'shgan hissasini, shu asosda kelajakka ishonchini anglamoqchi bo'lsa, Amir Temursiymosini eslashi kerak».

Islom KARIMOV

«Biz Beruniylarga, Buxoriylarga, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Mirzo Boburlarga voris bo'lamiz».

Islom KARIMOV

«Insof-iymon tuyg'usi, diyonat mezoni Amir Temur hayotining mazmunini tashkil etadi. Olamning qariyb yarmiga jahongir ersa-da, kuch-qudrat zo'rlik, zo'ravonlikda emas, aksincha, adolatda ekanini teran angladi

Islom KARIMOV

«Amir Temur – bizning shon-shavkatimiz, g'urur-iftixorimizdir»

Islom KARIMOV

«Amir Temur va Samarqand tushunchalarini bir-biridan ayri holda tasavvur etib bo'lmaydi».

Islom KARIMOV

«Amir Temur davlati qurilishi, harbiy san'ati ko'p asrlar davomida sharqu-g'arb davlatlariga o'rnak va andoza bo'ldi. Uning zamonida madaniyat, ilmu-fan, me'morchilik, tasviriy san'at, musiqa, she'riyat beqiyos rivoj topdi, xalqimizning ko'p an'analari takomilga yetdi. Amir Temur madaniyat va din axllariga ko'rsatgan cheksiz mehru-muruvvat ayniqsa ibratlidir»

Islom KARIMOV

Darxakiqat, Yurtboshimiz I.A.Karimov ta'kidlaganidek insof-iymon tuyg'usi, diyonat mezoni Amir Temur xayotining mazmunini tashkil etadi. Olamning kariyb yarmiga jaxongir ersa-da, u kuch-kudrat zo'rlik, zo'ravonlik emas, adolatda ekanini teran anglatdi. Shu bois bo'lsa kerakki, o'tmishda jaxon ilm axli, mashxur muarrixlar o'z asarlarida Amir Temur ismiga Ko'ragon, Soxibqiron, Qutbiddin, Abulmansur kabi unvonlarni qo'shib, uni e'zozlab, ulug'lab, xikoyat, rivoyat va xotiralar bitganlar.

«...ayniqsa Bobur bilan Akbarshoh Hindistonda Temur davrida O'rta Osiyodagi iqtisodiy va madaniy taraqqiyot natijasida paydo bo'lgan eng yaxshi an'analarni davom ettirdilar»

Ibrohim MO'MINOV

«Amir Temur davlati qurilishi, harbiy san'ati ko'p asrlardavomida Sharqu-G'arb davlatlariga o'rnak va andoza bo'ldi.Uning zamonida madaniyat, ilmu-fan, tasviriy sa'nat, musiqa,she'riyat beqiyos rivoj topdi, xalqimizning ko'p an'analari takomilga yetdi. Amir Temur madaniyat va din axllarigako'rsatgan cheksiz mehru-muruvvat ayniqsa ibratlidir»

Islom KARIMOV

Миллий ғурур-ифтихор ўзбек халқининг қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ куч бўлиши билан бирга шахс маданиятининг асосий фазилатидир.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли ўзбек халқининг миллий ғурур туйғуси бутун жаҳон бўйлаб қад кўтарди. Жаҳон халқлари орасида Ўзбекистон энг йирик мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Чунки, бугунги кунда Ўзбекистон байроғи, Ўзбекистон рамзи, мадҳияси билан бирга «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Мустақиллик», «Шухрат», «Дўстлик», «Жасорат», «Амир Темур» каби орденлар ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлиб қолди.

Умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди. Юртимизга халқ севган «Наврўз» кириб келди. Рамазон, Қурбон ҳайитларига етдик. Ўзлигимизни англадик ва ўзлигимизга қайтдик. Қадимда ҳам халқимиз миллий ғурури билан фахрланишган. Унинг мазмунида улуғворлик, мағрурлик каби сифатлар ўз аксини топган. Ғурур деганимизда кўз олдимизда ҳақ ва ҳақиқат гавдаланади. Демак, ғурурли бўлиш биринчи навбатда халқ манфаатини ёқлаш, элга фойда келтириш, миллий ғуруримизнинг асл моҳиятида ана шу умуминсоний туйғулар ётади.

2.2 Аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларда миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари

Дарсдан ташқари тарбиявий тадбирлар педагогика коллежи ўқув тарбиявий тизимнинг ажралмас қисми бўлиб, ўқувчиларнинг бўш вақтларини таълим-тарбия мақсадига мос йўналтиришга бевосита хизмат қилади. Дарсдан ташқари машғулотлар ташкил этилишига қараб турли йўналиш мазмун ва шаклларда олиб борилади. Коллежларда ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб қуйидаги шаклларда ва кўринишларда ташкил этилиши мумкин.

1. Кечалар уюштириш; Тантанали кунлар, сана, юбилейларни нишонлаш; Мусобақалар, беллашувлар, мушоиралар уюштириш; аудиториядан ташқари ўқишни ташкил этиш; Кўргазмалар уюштириш (фан соҳалари бўйича); Саёҳатлар ташкил этиш; а) табиат қўйнига; б) тарихий жойларга, музейларга; в) ишлаб чиқариш корхоналарига; г) турли шаҳарларга, зиёратгоҳларга; д) асарлар бўйича уларнинг ғоялари, қаҳрамонларига мос ақлий саёҳат; е) муайян шоир, ёзувчи ижодини ўрганишга бағишлаб ўлкашунослик материалларини тўплаш, туғилган жойига саёҳат уюштириш; Викторина, диспутлар ташкил этиш; Меҳнат ва уруш фахрийлари, атоқли кишилар, илғор касб эгалари билан учрашувлар ўтказиш; Болалар боғчалари, меҳнат ва уруш ногиронларига, кексаларга беғараз ёрдами кўрсатиш; Турли соҳалар, фанлар тўғрақларида иштирок этиш; Ижодий, тарихий, археологик, фольклор ва бошқа экспедицияларда иштирок этиш; Коллеж бурчаклари ташкил этиш; Болаларнинг турли уюшмалари фаолиятида иштирок этиш; Коллекциялар (намуна) йиғиш; Миллий урф-одатлар, маросимларда иштирок этиш; Турли жамоатчилик топшириқларини бажариш: шанбалик, якшанбаликларда иштирок этиш; хўжалик ишларида ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларига эришиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири дея эътироф этилди. Бу ўринда

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Фидокор» газетасининг мухбири саволларига жавоб берар экан, бугунги кун ёшлари эга бўлишлари зарур бўлган фазилатлар қуйидагилар эканлигига алоҳида урғу беради: «...ёшларимизнинг иймон-еътиқодларини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир», - деган эди. (Баркамол овлод орзуси).

Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш узоқ муддатли, мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараённинг самарали ташкил этилиши бир қатор омилларга боғлиқ. Тадқиқотни олиб бориш чоғида педагогика коллежлари ўқувчиларида миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг муҳим омиллари қуйидагилар эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантиришимиз педагогика фанлари доктори Рўзиева Дильноз Исомжоновнанинг “Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари” мавзусидаги докторлик диссертациясидан ижодий фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантирувчи омиллар

1-жадвал

№	Омиллар	Талабаларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга бўлган таъсири
1.	Миллатнинг шонли тарихи, ўтмиши	Талабаларни миллат тарихи билан таништиради, уларда миллатнинг тараққиёт йўли тўғрисидаги билимларни ҳосил қилади, миллий тарих негизида истиқболга бўлган ишончни қарор топтиради
2.	Миллий тил имкониятлари	Талабаларнинг миллий руҳда фикрлаш, миллий тафаккурга эга бўлишлари учун асос бўлиб хизмат қилади
3.	Халқ қаҳрамонларининг жасорати	Талабаларга миллат озодлиги, Ватан мустақиллиги, тараққиёти, истиқболи учун курашиш олий инсоний бурч эканлигини англатади, уларни миллат озодлиги, Ватан равнақи йўлида курашиш истагини уйғотади
4.	Миллий-маданий	Талабаларни миллатга хос турмуш тарзи, борлиққа бўлган

	мерос	ёндошув, ижтимоий муносабатлари мазмуни, миллий характер хусусиятлари билан таништиради, уларда миллий менталитетга хос сифатларни тарбиялашга ёрдам беради
4.1.	Миллий қадриятлар (урф-одат, маросим ва анъаналар)	Талабаларга миллат ҳаёти, ўтмиши, келажаги учун даҳлдор бўлган омиллар тўғрисида маълумотлар беради, улар томонидан миллий менталитет хусусиятларининг тўла англаниши учун имконият яратади, ўқувчиларда миллий урф-одат, маросим ва анъаналарнинг авлодлар томонидан давом эттирилиши, уларнинг мазмунан бойитиб борилиши йўлида амалий ҳаракат кўникмаларини тарбиялайди
4.2.	Халқ оғзаки ижоди	Ёш авлоднинг миллий қадриятлар руҳида улғайишлари учун шароит яратади, талабаларни миллий руҳият, миллий тафаккур, ижтимоий борлиққа бўлган ёндошув элементлари билан таништиради, уларда миллий онгнинг шаклланиши учун хизмат қилади
4.3.	Адабиёт	Талабаларга миллий ҳаёт тарзи, унинг таркиб топиш жараёни, миллий характер элементлари, ижтимоий-миллий муносабатлар мазмуни ҳақидаги маълумотларни беради
4.4.	Илм-фан	Талабаларни миллатнинг интеллектуал салоҳияти, унинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси, жаҳон сивилизасиясидаги ўрни билан таништиради
4.5.	Санъат	Ёшларга турли тасвирий воситалари ёрдамида миллий ҳаёт тарзи, миллий характер хусусиятларининг шахс камолотини таъминлашдаги роли ҳақидаги билимларни беради
4.5.1	Халқ хунарамандчилиги	Талабаларни миллий ижодкорлик мазмунида акс этган эзгу қарашлар билан таништиради, уларда миллий руҳиятга асосланган ижтимоий муносабатни шакллантиради
4.5.2	Миллий меъморчилик	Талабаларга миллий меъморчилик мазмунида ўз ифодасини топган ижтимоий тафаккур, миллий иқтидор тўғрисидаги маълумотларни етказиб бериш асосида уларда аجدодлар анъаналарига ҳурмат туйғуларини қарор топтиради
4.5.3	Рассомлик	Рангли тасвирий воситалар ёрдамида талабаларни миллий ҳаёт тарзи, миллий руҳият хусусиятлари билан таништиради
4.5.4	Миллий мусиқа ва қўшиқчилик	Оҳанглар ёрдамида талабалар томонидан миллий характер, қарашлар мазмунининг англанишини таъминлайди, уларда эстетик дидни тарбиялайди
4.5.5	Рақс санъати	Инсон ва борлиқ ўртасидаги миллий муносабат мазмунини ҳаракатлар ёрдамида очиб бериш асосида талабаларда миллий характер элементларини шакллантиради
4.5.6	Санъатнинг бошқа турлари (кино, театр, сирк, миллий дорбозлик)	Талабаларни миллийликнинг умуминсоний маданиятдаги ўрни билан таништиради, улар томонидан миллий маданият жиҳатларининг турли маданиятлар синтезидаги ролининг баҳоланишига имконият яратади
5.	Оилавий сулола анъаналари	Ёшлар, жумладан, талабалар томонидан миллийлик, миллий ўзига хослик, миллий қадриятлар мазмунининг пухта

		англаниши учун шароит яратади, уларни миллий руҳият ғоялари асосида тарбиялашга ёрдам беради
6.	Спорт	Талабаларни миллат вакилларининг жисмоний кучи, салоҳияти даражаси билан таништиради, уларда спорт миллат номини жаҳонга тез танитувчи восита эканлиги тўғрисидаги қарашни юзага келтиради, уларда шахсий жисмоний маданиятни тарбиялашга нисбатан рағбат уйғотади
7.	Давлат рамзлари	Ўқувчиларни миллатнинг асрий қарашлари, борлиққа бўлган ижтимоий муносабати мазмуни, шунингдек, унинг шаъни, ғурури, ор-номуси, халқаро майдондаги обрў-еътибори тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради, уларда миллатнинг ҳаёт тарзига нисбатан чуқур ҳурмат уйғотади, миллатни улуғлашга, унинг тараққиётини таъминлашга ундайди

Педагогика коллежида ўқитиладиган “Маънавият асослари”, “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”, “она тили ва адабиёт”, “Фалсафа фанлари (эстетика, шахс ва жамият, диншунослик)”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Педагогика” каби ижтимоий фанларнинг имкониятлари етарлидир.

Аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирлардан бири тарихий, зиёратгоҳ жойларга саёҳатлар уюштириш. Биз қуйида ўқувчилар билан кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд Регистон майдонига уюштирилган саёҳат ишланмасини келтирамиз:

Регистон майдонига қилинган экскурсия таҳлили

Мақсад: Педагогика коллежи ўқувчиларига Самарқанднинг “юраги” бўлган Регистон майдони тўғрисида тушунча бериш ва уларда миллий тарихимизга, миллий меъморчилигимизга бўлган эътиқодж ва меҳр-муҳаббатни шакллантириш. Регистон-Ўзбекистоннинг бир бўлаги эканлигини, она юрт, Ватан туйғусини тарбиялаш ва бу муқаддас жой билан фахрланиш, ғурурланиш туйғусини тарбиялаш.

Экскурсияга педагогик коллежининг барча курсларида таҳсил олаётган ўқувчиларни олиб бориш мумкин.

Экскурсиянинг мақсади:

1. Регистон майдоний тўғрисида тушунча бериш
2. Экскурсия бошловчисининг кўрсатмаси билан Регистон майдонидаги тарихий обидаларни томоша қилиш.
3. Экскурсия бўйича савол-жавоблар ўтказиш.
4. Экскурсия бўйича альбом тайёрлаш ва натижаларни таҳлил қилиш.

Экскурсияга борган ўқувчиларга қуйидаги тушунчалар берилади:

XVII аср меъморчилик соҳасида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Шу жумладан, Самарқанднинг Регистон майдони ўша даврда шаҳар ҳокими бўлган Ялангтўш Баҳодир томонидан бир қатор меъморчилик қурилишлари амалга оширилди. 1619-1635 йилларда вайрона ҳолатига тушиб қолган Регистон майдонида Улуғбек мадрасаси қаршисида Шердор мадрасаси, унинг ёнида 1646-1659 йилларда Тиллакори мадрасаларини ўз маблағи ҳисобидан қурдирган. Регистон ансамбли ўзининг ранг-баранг кошинкор безаклари, нақшинкор пештоқлари ва улкан гумбазлари билан Марказий Осиё минтақасининг ноёб тарихий ёдгорлиги бўлиб, бугунги кунда жаҳон сайёҳларининг эътиборини тортмоқда.

Регистон майдонининг қиёфаси Амир Темур ва темурийлар даврида ўзгача қиёфа касб этади. Айниқса, Мирзо Улуғбек дарида Самарқандни обод қилишга етарлича эътибор берган. Унинг даврида Регистон майдони қайта шаклланди десак муболаға бўлмайди. Бу ерда мадрасадан ташқари пештоқли ва улкан гумбазли хонақоҳ, карвонсарой деворидан тортиб устунлари ўймакор ёғочлардан ишланган. “Масжиди муқатта” қурилган. Икки юз гумбазли “Кўкалдош” жоме масжиди қад кўтарган. Шунингдек, бу ерда барпо этилган “Мирзои” ҳаммоми ва карвонсарой бўлган. Бу ерда хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар туришган. Улардан фақат бизнинг давримизгача Улуғбек мажрасаси сақланиб қолган. Бу мадраса 1417-1420 йилларда қурилган бўлиб, меъморчилик жиҳатидан бошқа бинолардан ажралиб туради. Мадрасада диний ва дунёвий билимлар ўқитилган. Бу мадраса икки қаватли, эллик хужрали бўлган. Ҳар бир хужра уч хонага, яъни қазоқ (омборхона), ётоқхона ва дарсхоналарга бўлинган. Маълумотларга қараганда ушбу мадрасада юз

нафардан ортиқ илми-толиблар таҳсил олишган.

Хонақоҳ мадрасанинг Шарқ томонида қурилган. Ушбу хонақоҳ табиий офатдан зарар кўриб бузилиб кетган. Унинг ўрнида Ялангтўшбий Баҳодир томонидан Шердор мадрасаси қурилган. Мадраса тарихи тўртбурчак, икки қаватли. Бош тарзиннинг икки қанотида қовурғали гумбаз ва маноралар жойлашган. Пештоқ равоғи ичкарасидаги кошинкор безаклар ораси оқ ҳарфлар билан меъмор Абдужаббор номи ёзилган. Қанотларидаги қизғиш зарҳал тусли шер оқ оҳуни қувламоқда. Қуёш. Бодом, қовоқ, қийиқ кўзли қилиб тасвирланиб, юзи зарҳал тусли ёғду билан ҳошияланган. Мадрасанинг номи шу тасвирдан келиб чиққан. Бинонинг серҳашамлиги шу пештоқда ифодаланган. Пештоқнинг иккинчи томонида гумбазли дарсхона ва масжидлар жойлашган. Ҳовли атрофидаги икки қаватли ҳужралар (54 та) нинг олди равоқли айвон. Айвонлар ёзда дарсхона вазифасини ўтаган.

Тиллакори мадрасаси Улуғбек даврида қурилган. Мирзои карвонсаройи ўрнига шаҳар ҳокими Ялангтўшбий Баҳодир мадраса ва жоме масжидни қурдирган (1641-1646). Карвонсарой асосий устунни мадраса, ҳужралар ўрнида пештоқ гумбазли масжид жойлашган. Дастлаб “Ялангтўшбий кичик мадрасаси” деб номланган. Кейинчалик масжид беағида бошқа бир обида қурилишига етадиган миқдорда олтин сарфлангани учун “Тиллакори” (Тилладан ишлов берилган) деб юритила бошланган. Тиллакори мадрасасидан шаҳар жоме масжиди ва мадрасаси сифатида фойданилган. Шунинг учун масжиди (63x22) катта ва серҳашамлиги билан ажралиб туради. Мадраса (70x70м)га ғарбий пештоқ орқали кирилади.масжид хонақоҳи (10,8x10,8)нинг гумбази, баланд, узокдан кўзга ташланиб туради. Унинг гумбази ниҳоясига етказилган. Хонақоҳ тўрига мрамардан меҳроб ва зинопояли минбар ишланган.

Тиллакори мадрасаси бир неча марта таъмир қилинган. 1817 йилда амир Ҳайдар буйруғи билан, зилзиладан зарар кўрган пештоқи қайта тикланиши жараёнида шакли бузилган. 1885 йилдаги таъмирлаш вақтида залҳал нақшлар, оддий бўёқлар билан алмаштирилган.

Тиллакори мадрасасидаги йўқолиб кетаётган ноёб зуҳал нақшлар усталар

томонидан ўрганилиб, 1970 йилда қайта таъмирланди, бинокорлар мадрасанинг Регистонга қараган пештоқини Шердор мадрасаси ва Улуғбек мадрасалари билан мослаштириб қайта қуриб берилган. Тиллакори мадрасасида музей ташкил этилган. Ҳозирги кунда Регистон майдони маҳаллий аҳоли ва хорижий сайёҳлар учун гавжум жойлардан бирига айланган. Бу ерда 1997 йилдан бошлаб “Шарқ тароналари” анъанавий Халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинмоқда. Бу тарихий жой билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Регистон халқимизнинг, миллатимизнинг фахрига айланган жой. Самарқанддаги барча йўллар Регистонга олиб боради. Бу йўллар мозийни бугунги доруломон кунлар билан боғлаб турибди.

Мустақил бажариш учун топшириқлар:

1. Регистон сўзининг луғавий маъносини луғатлардан топиб ўрганиш;
2. Регистон майдони қайси ҳукмдор даврида шакллانган?
3. Улуғбек мадрасасида қандай фанлар ўқитилган?
4. Шердор ва Тиллакори мадрасалари тўғрисида нималарни биласиз?
5. “Самарқанд-фахрим менинг” мавзусида иншо ёзиш.

Миллатнинг шонли тарихи, ўтмиши. Талабаларга миллатнинг шонли ўтмиши, тарихи ҳақидаги маълумотлар таълим ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш асосида етказиб берилади. Таълим муассасасида ўқитилиши йўлга қўйилган ижтимоий-гуманитар ўқувчиларни миллат раънақи, унинг тараққиёти тарихи, эришган ютуқлари билан таништиришга хизмат қилади. Собиқ Иттифоқ даврида миллат ва миллийлик тўғрисида сўз юритиш мумкин бўлмаганидек, миллат тараққиёти, унинг жаҳон сивилизасиясига қўшган ҳиссасига ҳам муносиб баҳо берилмади. Бироқ, мустақиллик шароитида ёшлар, жумладан, ўқувчиларни ўзбек миллатининг асл тарихи билан таништириш, уларнинг ўз аجدодларини кимлигини англаб етишлари учун имконият яратиш йўлида ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Талабаларга миллат тарихининг шонли саҳифаларидан олинган далилларни юксак маҳорат билан кўрсата олиш, уларда миллат тарихидаги

барча ижобий, миллий тараққиётни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисалар билан ҳақли равишда фахрланиш, ифтихор этиш ҳиссини уйғотиш зарур. (Диссертация 130-131 бетлар).

Маълумки, спорт миллат ҳам мамлакат номини дунёга тез танитади. Ёшлармизда миллий ғурур шаклланади. Ўзим дарс машғулотларини олиб бораётган 205-гуруҳда “Ўзбек спортининг ёрқин юлдузлари” мавзусида ўтказган давра суҳбатида ўқувчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар:

Исмоилов Хуршид-мен спортнинг футбол турига қизиқаман. Бўш пайтларимда футбол билан шуғулланаман. Тўғриси айтсам Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионатида бора олмаётгани оддий бир муҳлис сифатида мени ўйлантиради. Аммо, жаҳон футбол майдонларида тажрибали ҳакам Равшан Эрматовнинг нуфузли ўйинларни одилona, оқилona бошқаришини кўриб ғурурланаман. Ўзбекистоннинг Равшан Эрматовлари кўп бўлишини истайман.

Равшанов Жавоҳир: ўртоғимнинг фикрларини қўллаб-қувватлайман. Ўзбек футболда халқимизнинг севимли фарзанди Миржалол Қосимов эришган ютуқларидан ғурурланаман. Мен ишонаман биз яқин йиллар ичида футбол борасида ўз сўзимизни айтамыз. Сабаби ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар етарли. Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан футболни ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари бежизга қабул қилингани йўқ.

Ганиев Улуғбек: Очиғини айтганда Осиё ва жаҳон миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда ўзбекистонлик спортчиларнинг шарафига кўтарилаётган байроғимизни кўрганимда бутун вужудим тўлқинланиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетади. Мен шу юртнинг фарзанди бўлганимдан мағрурланаман.

Норкулова Гулноза: Мени Окгул Омонмуродовага ўхшаган теннисчи қизларимизнинг ютуқларидан қувонаман. Китоблардан ўқийман, устозларимдан эштаман. Собиқ иттифиқ даврида ўзбек ва ўзбекистонлик қизларнинг катта мусобақаларда иштирок этиши ушалмайдиган орзу эди. Бугун

эса мутлақо бошқача. Имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Ватанимиз доврўғини жаҳонг танитишимиз керак.

Хайдарова Розия: Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов нафақат шахмат ихлосмандларининг балки, бутун мамлакатимизнинг, миллатимизнинг ғурури, фахри. Сабаби, ер юзида барча давлатлардан ҳам жаҳон чемпионлари етишиб чиқмаган. Уларнинг ўрнини босадиган ёшлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпионлари Жавохир Синдаров каби теран фикрли, истеъдодли ёш шахматчилар етишиб келаётганлигидан фахрланаман. Уларнинг ютуқлари мени ғурурлантиради.

Шунингдек, педагогика коллежи ўқувчиларига мустақиллик йилларида Самарқандда бунёд этилган “Исузи” автобус ишлаб чиқариш корхонаси, шаҳар яқинида жойлашган “МАН” автомобиль заводи, сифатли маҳсулотлар билан дунёни лол қолдираётган “Сино” музлаткичлар ишлаб чиқарадиган корхона, Самарқанд Лифтсозлик заводлари билан ҳақли равишда фахрлансак, ғурурлансак арзишини аудиториядан ташқари ўтказиладиган тадбирларда айтиш, у жойларга ўқувчиларни саёҳатга олиб бориш, мазкур корхоналарнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари билан давра суҳбатларини ташкил этиш ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантиришга хизмат қилади.

Шаҳар ва қишлоқларимизда бунёд этилаётган кўплаб турар жойлар, жамоат бинолари, мактаблар, академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг бинолари, спорт комплекслари тўғрисида тўлқинланиб сўзлаш, жаҳондаги кўпгина мамлакатлар иқтисодий тангликни бошдан кечираётган бир пайтда юртбошимизнинг доно сиёсати туфайли мамлакатимизда қурилиш майдонига айланаётганлиги, ободончиик ишлари кенг кўламлар билан амалга оширилаётганлиги. Халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланаётганлиги, ёшлар учун яратиб берилаётган шарт-шароитлардан ғурурланиш руҳияти сезилмоқда.

Демак, педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятни ташкил этишда самарали бўлган омиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунга миллатимизнинг

шонли тарихи, миллий тил имкониятлари, халқ қаҳрамонларининг жасорати, миллий қадриятларимиз, халқ оғзаки ижоди, адабиёт, илм-фан, санъат, халқ мусиқа ва санъатнинг бошқа турлари муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларни ишлаб чиқариш, қурилишлар, ободонлаштириш соҳасида, эришилаётган ютуқлар билан таништириш миллий тарихимизни чуқур ўрганиш, тарихий жойларга, муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштириш, қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида давра суҳбатлари ташкил этиш, учрашувлар ўтказиш ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилади.

Иккинчи боб юзасидан хулосалар

Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг мазмуни, шакл ва методлари ўрганилди. Тажриба синов жараёнида муаммоли вазиятларни бартараф этиш, ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол методлардан фойдаланишнинг шарт-шароитлари ишлаб чиқилди. Ўқувчилар билан ўтказилган суҳбатлар, савол-жавоблар нафақат уларда билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлашга балки миллий ғурурни шакллантиришга ҳам хизмат қилди. Ушбу фикрларга асосланиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

-  Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш мураккаб жараён бўлиб, таълим-тарбия жараёнини ягона мақсад сари йўналтириш лозим;
-  Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан оқилона фойдаланиш;
-  Миллий тарбиянинг қонун-қоидаларига амал қилиш;
-  Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун таълим жараёнини мунтазам равишда назорат қилиб борилиш лозим;

Таълим-тарбия жараёнини тизимли ташкил этиш ўқувчиларнинг миллий ғурурини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

III БОБ. ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ТАРБИЯЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

3.1 Тажриба-синов ишларини ўтказиш методикаси

Ўз миллати, Ватани, халқи, маданияти, тарихий обидалари билан ғурурланиш ўзбек халқига хосдир. Ўзбек халқининг бой маънавий мероси ва тарихий обидалари бугун жаҳонга танилган.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» асарларида «Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлигига асослангандир.

Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга ватанимизда биз билан яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган биродарликка интиламиз», -деб таъкидлаган эдилар (...).

Албатта, бу вазифаларни амалга оширишда ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчи-ўқувчиларида, имон, эътиқод, садоқат каби одамийлик фазилатларини шакллантириши, умуминсоний анъаналарига, қадриятларига содиқ бўлишга эътибор қилиши лозим.

Ана шундагина ўқувчиларнинг жамиятга бўлган муносабатида миллий бирлик, миллий ғурур туйғулари, турли халқларга бўлган ҳурмат қабила бир бутун, яхлит ҳолда шаклланади.

Шундай экан, педагогика коллежида таълим оладиган ўқувчиларни тарбиялашда миллий халқ анъаналари, урф-одатлар, расм-русмлар, маънавий меросдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар ўқувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда эгаллаган билимлари, тажрибаларини мустаҳкамлаш билан бирга бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга тайёрлашнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам 1-сон Самарқанд педагогика коллежи ўқитувчилари бу масалага алоҳида эътибор бериб, ҳар бир ўқувчида Марказий Осиё халқлари томонидан

яратилган афсоналар, мақол ва маталлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, буюк мутафаккирлар ва алломаларнинг сермахсул ижодидан унумли фойдаланишга аҳамият бермоқдалар.

Коллежнинг адабиёт, тарих, педагогика, мусиқа, риёзиёт каби фанлар ўқитувчилари А.Усмонов, Ў.Синдаров, С.Қиличева, О.Гадоев, Н.Очилов, С.Нажиева, И.Ибобов кабилар амалий машғулотларда, синфдан ташқари ишларда миллий анаъаналардан, миллий кадриятлардан кенг фойдаланмоқдалар. Улар Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Ибн Сино, Аҳмад Яссавийларнинг бой меросидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда миллий ғурур, ахлоқий ҳис-туйғуларни шакллантирмоқдалар. Ҳар бир дарс машғулотида буюк алломаларимизнинг ҳикматларидан, ривоятларидан, ғазалларидан, ҳадисларидан, халқ оғзаки ижодидан, афсоналаридан, эртакларидан, лапарларидан фойдаланиб, бўлажак ўқитувчи ва тарбиячиларнинг маънавий, ахлоқий, миллий ғурур туйғуларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқдалар.

Педагогика коллежида ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида муносиб ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларни тарбия жараёнида халқни севиш, Ватанга, жамиятга фойда келтириш, садоқатли, одоб-ахлоқли, ғурурли бўлиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Айниқса «Ватанни севмоқ иймондандур» мавзуида ўтказилган тадбир ўқувчиларни Яссавий, Нақшбандий, Ибн Сино, Форобий, Амир Темур, Навоий каби аллома ва мутафаккирларнинг Ватан ҳақидаги фикрлари билан яқиндан танишишга ёрдам берди. Тадбир жараёнида ўқувчилар Ватан ҳақидаги ҳикматларнинг моҳиятини бирма-бир таърифлашди. «Ватан деганда нимани тушунасиз? Ватанпарварлик — бу нима? Ватанпарварлик ҳақида кимларнинг ҳикматларини, ҳадисларини биласиз ва сиз бунга қандай қарайсиз? Ватанпарварлик нимага боғлиқ бўлади? Қандай инсонлар Ватанпарвар бўлиши мумкин?» каби саволларга она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш ҳақидаги тушунчаларни ифодалашди.

Педагогика коллежида ўтказилаётган бундай тадбирлар ўқувчиларда

миллат манфаати билан яшаш, миллат обрўсига ҳисса қўшиш, миллий ғурур каби маънавий қадриятларни амалга оширишнинг муҳим омили бўлиб келмоқда. Билим юртида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларни миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга тайёрлаш дастури ишлаб чиқилган.

Ғурур - Она тилимиз асрлар бўйи халқимиз томонидан заргарона сайқал берилиб, шундай мукаммал қилиб яратилганки, у орқали ҳар қандай маъно ва тушунчаларни, уларнинг энг нозик ва ҳарир жиҳатларигача аниқ ва тиниқ ифодалаш мумкин. Яъни неча минг йиллар давомида халқимиз онги тўлишиб бораверган, унда ҳосил бўлган тушунчаларни ўз туб сўзларимиз билан ҳам, ўрнида жаҳон тилларига оид сўзлар билан ҳам, янги-янги сўзлар яратиш воситаси билан ҳам ифодаланган. Шу тариқа тил бисоти бойиб келган. Тилимиздаги ғурур, фахр ва ифтихор сўзларини олиб кўрайлик. Булар бир-бирига яқин маъноларни англатсада, айтиб бир пайтда бир-биридан муайян даражада фарқланувчи тушунчаларни ҳам билдиради.

Шахс гурури — бу фахрдир. Ҳар бир шахс ўзининг ютуқларидан мамнуният ҳиссини туяди. Ота-она қобил фарзандларидан, устоз истеъдодли шогирдидан, ёзувчи яхши асаридан, боғбон сўлим боғидан фахрланади ва ҳоказо.

Инсон ўз кучига ишонган ва бу билан фахрлана олган тақдирдагина бирор нарсага эриша олади. Бу кадр-қимматини англаш ақлли одамни янада камтарин, янада саботли қилади. Киши учун ўз қобилиятидан ортиқ даражада ғурурланиш ҳам, ўз-ўзини ерга уриш ҳам ярамайди. Ўз-ўзлигича қола билган одамнинг ғурури бус-бутундир.

Ўзига ортиқча бино қўймоқ, гердаймоқ, кеккаймоқ, димоғдорлик қилмоқ — булар такаббурликка киради. Ҳадиси шарифларда айтилишича, Аллоҳ энг ёмон кўрган нарсалардан бири такаббурликдир. Ҳатто масжидга гердайиб кирган одамнинг намози қабул бўлмас экан. “Манманлик заволга, камтарлик камолга етаклайди”, деган нақл шунга ишора бўлса керак. Киши шундай яшаши жоизки, унинг ютуқларидан ўзи ҳам ғурурлансин, лекин ундан кўра

кўпроқ оила аъзолари, хеш-ақраболари, маҳалла-кўйи, қолаверса, бутун мамлакати фахрлансин, ғурурлансин.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида ўқувчиларда миллий ғурур туйғулари шаклланганлигининг мавжуд даражасини ўрганиш мақсадида респондент-ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида қуйидаги сўровномаларни ўтказдик. Унга қуйидаги саволлар киритилди:

1-босқич ўқувчиларига миллий ғурур туйғусини шаклланганлик даражасини ўрганиш бўйича қуйидаги 5 та савол киритилди:

1. Миллий ғурур, ифтихор ва ўзликни англаш деганда нимани тушунасиз? Фикрингизни ёзинг.

2. Ўқувчиларда миллий ғурур ва ифтихор тушунчалари шаклланганлиги қандай деб ўйлайсиз? Юқори, ўртача, паст тагига чизинг.

3. Сиз таҳсил олаётган коллежда ўқувчиларнинг миллий ғурури, ифтихор ва ўзликни англаш туйғуларини шакллантиришга эътибор бериладими? Фикрингизни ёзинг.

4. Коллежда ўқитилаётган қайси фанлар сизда миллий ғурур, ифтихор ва ўзликни англаш туйғуларини шакллантиришга кўпроқ ёрдам бермоқда? Фикрингизни ёзинг.

5. Ўқувчиларда миллий ғурур, ифтихор, миллий ўзликни англаш туйғуларини ривожлантириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ? Фикрингизни ёзинг.

2-босқич ўқувчилари учун 6 та савол:

1. Ўқувчида миллий ғурур туйғусини шаклланишига ёрдам берадиган омилларга нималар киради?

2. Давлатимизнинг миллий давлат рамзлари миллий ғурурни шакллантиришга ёрдам берадими? Фикрингизни ёзинг.

3. Миллий қадриятимизнинг миллий ғурурни шакллантириш ўрнига ўз муносабатингизни билдиринг.

4. Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби тарихий шахсларнинг миллий ғурурни шакллантиришдаги имконини қандай баҳолайсиз?

5. Ўзбек спортчиларидан кимларнинг эришган ютуқлари сизни миллий ғуруримизни шакллантиришга ундайди?

6. Самарқанддаги қайси тарихий ёдгорликларни кўргансиз ва улардан фахрланыпсизми? Фикрингизни ёзинг.

3-курс ўқувчилари учун ҳам 6 та савол:

1. Бугунги ёшларда миллий ғурурни шаклланганлик даражаси қай даражада деб ўйлайсиз? Паст, ўртача, юқори

2. Ҳозирги ёшлар миллатимиз келажаги йўлида меҳнат қила оладиларми? Фикрингизни ёзинг.

3. Ўзбекистоннинг замонавий ёшларини қандай бўлишини хоҳлайсиз?

4. Сиз сабоқ бераётган фандан ўқувчиларда миллий ғурур қай даражада шаклланмоқда?

5. Ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантириш бўйича аудиториядан ташқари қандай тадбирларни кўпроқ ўтказиш уларда миллий ғурурни шакллантиришга хизмат қилади деб ўйлайсиз?

6. Сиз фаолият кўрасатаётган коллежда ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантиришга оид қандай тадбирлар кўпроқ ўтказилади? Фикрингизни мисоллар ёрдамида ёзинг.

Педагогика коллежида фаолият кўрсатаётган гуруҳ раҳбарларига ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантириш юзасидан олиб бораётган ишларини ўрганиш бўйича 6 та савол

1. Бугунги ёшларда миллий ғурурни шаклланганлик даражаси қай даражада деб ўйлайсиз?

2. Ҳозирги ёшлар миллатимиз келажаги йўлида дуч келадиган қийинчиликларга тайёр деб ўйлайсизми? Фикрингизни ёзинг.

3. Ўзбекистоннинг замонавий ёшлари қайси фазилатлар хоҳлайсиз?

4. Сиз сабоқ бераётган фан ўқувчиларда миллий ғурур қай даражада шакллантиради? Фикрингизни баён қилинг.

5. Ўқувчиларда аудиториядан ташқари қандай тадбирларни кўпроқ ўтказиш уларда миллий ғурурни шакллантиришга хизмат қилади деб ўйлайсиз?

6. Сиз фаолият кўрасатаётган коллежда ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантиришга оид қандай тадбирлар кўпроқ ўтказилмоқда? Фикрингизни мисоллар ёрдамида ёзинг.

Каби саволлар билан мурожаат қилинди ва уларга тегишли жавоблар олинди. Тажриба-синов ишларини ўтказишда педагогика коллежида ўқув-тарбиявий жараёнини кузатдик. Дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирлар, уларнинг услубий таъминоти ўрганилди. Тажриба-синов машғулотлари ўтказилди. Ўқитувчи, гуруҳ раҳбарлари, ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказилди.

1,2,3-курс ўқувчиларига берилган саволлар бир-бирини тўлдирадиган мантиқан боғланган ҳолда тузилди. Сўровномалардаги саволларни тузишда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари эътиборга олинди. Аниқроғи, коллежда таҳсил олаётган ўқувчилар ўспиринлик даврига қадам қўйган ёшлар. Бу ёшда ўспирин келгусидаги ҳаётини белгилаб олишда махлум бир қарорга келади ҳамда ўз йўлини танлаб олади. Шу боис, коллеж ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантиришга эътиборни қаратиш мақсадида тажриба-синов ишлари ўтказилди. Тажриба-синов жараёнида шахсий намуна, рағбатлантириш методларидан фойдаланиш яхши натижа бериши аниқланди. Ўқувчиларда миллий ғурурнинг тарбияланганлик даражасини ўрганишда кузатиш методи яхши самара берди. Бу жараёнда ўқувчиларнинг ташқи қиёфаси билан биргаликда уларнинг чиқи дунёси ҳам ўрганилди.

Суҳбатлар, интервьюлар, сўровномалар ёрдамида ўқувчиларнинг миллий тарихими, тилимиз, динимиз, миллий қадриятлармиз, спортчиларимизнинг эришган ютуқлари, тарихий, зиёратгоҳ жойларга, қадамжоларга саёҳатлар уюштириш билан боғлиқ жараёнларга муносабатлари аниқланади. Натижада ўзлигини англаш, миллий тарихимиз, тилимиз, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, мустақиллик йилларида халқ хўжалигининг барча соҳаларида

қўлга киритилаётган ютуқлар, ижтимоий одатни қарор топтириш, тинчликни-осойишталикни сақлаш, Ватанимизга, халқимизга ҳалол хизмат қилиш, давлатимизнинг обрў-эътиборини кўтариш, фарзандларни ғурурли, ориятли, иймонли, эътиқодли қилиб тарбиялаш юзасидан ўқувчилар муайян тушунча ва тасаввурларга эга эканликлари намоён бўлди. Коллежда ўқитиладиганижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантирадиган мавзуларни бугунги кун талаблари даражасида ўтиш биз кўзлаган тадқиқот ишимизни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

Тажриба-синов жараёнида 300 нафардан зиёд ўқувчилар иштирок этди. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг ўқувчи-ёшларни миллий ғурур руҳида тарбиялаш фақат фахрланиш руҳияти бўлиб қолмасдан, балки миллат тақдири йўлидаги масъулиятни ҳис этиш салоҳияти эканлигим тўғрисидаги ғоялари ҳамда файласуф, тарихчи, педагог олимларнинг таърифларидан келиб чиқиб, қуйидаги 6 та мезонни олдим ва ўқувчиларнинг бу ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш мақсадида қуйидаги масалалар ўртага ташланди:

1. Миллий ғурур тушунчасининг мазмуни;
2. Миллий тарихимизнинг миллий ғурурни шакллантиришдаги ўрни;
3. Миллий қадриятларимизнинг миллий ғурурни тарбиялашдаги аҳамияти;
4. Санъат ва спорт миллий ғурурни шакллантириш омили сифатида;
5. Тарихий ва мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлардан фахрланиш;
6. Давлатимиз рамзларига эътиқод, иззат-ҳурмат ҳиссини қарор топтириш;

Ўқувчиларнинг жавобларини ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

**Ўқувчиларда миллий ғурурни шаклланганлик даражасини ўрганиш
ҳолати (Тажриба бошида)**

№	Миллий ғурурнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари	Тажиба синфлари		Назорат синфлари	
		n ₁ =204		n ₂ =212	
		Ўқувчилар сони	% ҳисобида	Ўқувчилар сони	% ҳисобида
1	Миллий тушунчасининг мазмуни-моҳиятини билиши	62	30,5	65	32,5
2	Миллий тарихимизнинг миллий ғурурни шакллантиришдаги ўрнидан хабардорлиги	55	27,5	53	24,5
3	Миллий қадриятларнинг миллий ғурурни тарбиялашдаги аҳамияти	84	40,5	85	85,5
4	Санъат ва спорт миллий ғурурни шакллантиришдаги омил сифатида	57	28,5	42	21,0
5	Тарихий ва мустақиллик бйилларида бунёд этилган иншоотлардан фахрланиш туйғуси	57	28,5	42	21,0
6	Давлатимиз рамзларига эътиқод, иззат-ҳурмат ҳиссини қарор топтириш	63	31,5	67	33,5

Изоҳ: n₁- тажиба синфлари ўқувчиларининг сони

n₂- назорат синфлари ўқувчиларининг сони

Ўқувчиларнинг жавобларидан кўриниб турибдики, миллий ғурурни тушуниш даражалари бир хил эмас. Уларнинг ҳар бири берилган саволларга ўз имконияти даражасида жавоб беришга ҳаракат қилишган. Сабаби, ўқувчилар умумтаълим мактабларида “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанларини ўқиш жараёнида миллий ғурур тўғрисида, уни шакллантириш омиллари ҳақида муайян тушунчаларга эга эди.

Респондентларнинг кўпчилиги миллий ғурурнинг мазмун-моҳиятини она тилимизга давлат тили мақоми берилганлиги, алломаларимиз меросини ўрганишга бўлган муносабат ўзгараётганлигини, миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланаётганлиги, муқаддас динимизга бўлган муносабат ўзгараётганлигини эътироф этишган.

Аммо, миллий ғурурни шаклланишда миллий тарихимизни чуқур ўрганишимиз, санъат ва спортнинг, тарихий обидаларнинг ҳамда мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлардан фахрланиш туйғусини тарбиялаш, Ватанимиз, халқимиз, ер ости ва ер усти бойликларимиз билан ғурурланиши бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида атрофлича, мукаммал фикрларни билдириш кўпчилик ўқувчиларнинг эътиборидан четда қолган.

Ўқувчиларда миллий ғурурнинг шаклланганлик даражасини баҳолашда қуйидаги мезонларга асосландик:

Юқори даража – миллий ғурурнинг мазмуни ва моҳиятини чуқур биладилар, ўзлари таҳсил олаётган коллеж ҳаёти билан боғлвб, амалиётга тадбиқ эта оладилар.

Ўрта даража – ўқувчилар миллий ғурурнинг мазмунини тушунадилар, аммо, амалиётга тадбиқ этишда қийинчиликлар мавжуд.

Қуйи даража – миллий ғурурнинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида тушунчалар паст, уни амалиётга тадбиқ қила олмайди.

6-жадвал

Ўқувчиларда миллий ғурурнинг тарбияланганлик даражаси

Гурухлар	Ўқувчилар сони	Жавоблар					
		Юқори даража	%	Ўрта даража	%	Қуйи даража	%
Назорат	204	26	12,9	42	21,4	136	41,4
Тажриба-синов	212	29	13,6	38	20,1	71	33,3

Кўриниб турибдики, ўқувчиларда миллий ғурурнинг мазмуни ва моҳиятини чуқур тушуниб етмаслиги таълим жараёнида ўқитиш ва тарбиявий тадбирларнинг самарали йўллари излаб топишни кун тартибига қўймоқда. Шунинг учун предметлардан ўтиладиган мавзудан келиб чиқиб миллий ғурурнинг мазмунини аниқлаш; уни ўқувчилар онгига етказишнинг метод ва шакллари белгилаш ҳамда шу асосда ўқувчиларда миллий ғурурнинг тарбияланганлик даражасини таҳлил қилиш мумкин. Шу боис, “Маънавият асослари”, “Ўзбекистон Республикаси Конституция”, “Миллий истиқлол ғояси:

асосий тушунча ва тамойиллар” фанидан мавзулар аниқланди ва шу фандан тажриба-синов ўтказётган ўқувчиларга тавсия этилди.

Ўқув жараёнида, тарбиявий тадбирларни ташкил этишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш асосида ўтказилиб, уларда асосан, маъруза, тренинг, мустақил иш, баҳс-мунозара каби методлардан фойдаланилди. Машғулотларни ташкил этишда суҳбат, тарқатма материаллардан фойдаланиш, муаммоли вазиятлар яратиш билан боғлиқ технологиялардан фойдаланилди. Бу эса ижобий натижа берди.

3.2. Тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги

Педагогика коллежида олиб борилган тажриба-синов ишлари ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини, билим, кўникма ва малакаларини эътиборга олган ҳолда 3-босқич ўқувчиларига қуйидаги савол ва топшириқлар берилди:

1. Ўзингизни миллий ғурури шаклланган шахс деб ҳисоблайсизми?
2. Қайси миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланасиз? Мисоллар келтиринг.
3. Алишер Навоийнинг миллатимизнинг маънавий тараққиётига қўшган ҳиссаси билан ғурурланасизми? Сабабини кўрсатинг.
4. Айтингчи, уч йил давомида предметларнинг қайси бири сизда кўпроқ миллий ғурурни шакллантирди? Фикрингизни ёзинг.
5. Миллий ғурурни шакллантиришга йўналтирилган қайси тадбир сизда кўпроқ таассурот қолдирди? Мисоллар келтиринг.
6. Ўзбек миллатига хос қайси фазилатлардан сиз ғурурланасиз?
7. Ғурури йўқ инсоннинг қиёфасини кўз олдингизга келтириб, мулоҳазаларингизни ёзинг.

Ушбу саволлар назорат гуруҳларига ҳам берилди. Жавобларни таҳлил қилганимизда қуйидаги масалаларга эътиборни қаратдик:

- Гуруҳ ва ўқувчиларининг сони;

- Гуруҳ ўқувчилари миллий ғурур тўғрисида қандай тушунчаларга эга?
- Ўқувчиларнинг фикрларини умумлаштира олишига эътибор қаратилди.
- Тажриба-синовдан сўнг ўқувчиларда миллий ғурурнинг шаклланганлик даражаси қандай бўлди?

Тажриба-синов ишлари натижалари сифатида 300 нафардан ортиқ ўқувчининг жавоблари таҳлил қилинди. Таҳлил жараёнида ўқувчиларнинг миллий ғурур тушунчасининг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниб олганлиги, миллий ғурурнинг шахснинг шаклланишидаги ўрни асосий мезон қилиб олинди

3-06 гуруҳ ўқувчиси Жалолиддин Эргашев биринчи саволга шундай жавоб берган: “Қайси миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланасиз? Мисоллар келтиринг-деган саволга -“Тўмарис, Широқ, Спитеман, Муқанна, Маҳмуд Тарабий, Жалолиддин Мангуберди каби қаҳрамонлар Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандийдек азиз авлиёларимиз, Амир Темур, Мирзо Бобурдек саркарда ва давлат арбоблари, Абдулла Қодирий, Ойбек, Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон, Муҳаммад Юсуфдек халқимизнинг асл фарзандлари билан фахрланаман”.

Нигора Ҳасанова: “Ўзбек миллатига хос қайси қайси фазилатлардан сиз ғурурланасиз?”-деган саволга - Мен ўзбек миллатига хос меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, бағрикенглик, кўнгли очиқлик қайси фазилатлардан ғурурланаман”.

1-курс ўқувчиси Камола Абдурахимова “Бугунги кунда сиз кўпроқ нималардан ғурурланасиз?”-деган саволга, мустақиллигимизда, мамлакатда амалга оширилаётган қурилиш-ободончилик ишларидан, биз ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлардан, энг муҳими, кўз тегмасин тинчлигимиздан, осмонимизнинг мусаффолигидан ғурурланаман”-деб жавоб берган.

2-босқич ўқувчиси Малика Файзуллаева “Миллий давлат рамзларимиз миллий ғурурни шакллантиришга ёрдам берадими?”-деган саволга-“Миллий давлат рамзимиз бўлган герб, байроқ, мадҳиянинг миллий ғурурни шакллантиришда албатта муҳим аҳамият касб этади. Мен экран қаршисида ўтириб, Жоҳон, Осиё ўйинларида юқори ўрин эгаллаган спортчиларимиз

шарафига мадҳиямизнинг янграб, байроғимиз кўтарилганда қувончдан кўзимдан ёш чиқиб кетади. Ғурурланмай бўладими? Менимча бундай шароитда юрагида юрт ишчи бўлган ҳар қандай соғлом фикрли инсон ғурурланади, қувонади, энтикади, фахрланади”,-деб жавоб берган.

Ўқувчилар саволномага жавоб берганларида кўпчилиги ҳеч қандай манбалардан фойдаланмаганлиги сезилса, баъзи дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиб ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган. Жавоблар таҳлили шуни кўрсатадики, ўқувчилар онгида, қалбида миллий ғурурнинг уйғоклиги, бу борада масъулият ҳисси сезилиб турибди. Назорат гуруҳларида ўқувчлар фикрларини аниқ фойдалай олмаган, жавобларнинг умумийлиги сезилиб турибди.

Тажриба-синов гуруҳларида олиб борилган тадқиқот ишлари биз ишлаб чиққан методика асосида таҳлил этилганлиги натижасида ўқувчилар миллий ғурур тушунчасини тўлароқ англаб етганлигини жавоблар орқали билса бўлади.

Ўқувчиларнинг фикрларига асосланиб, уларда миллий ғурурнинг шаклланишдаги ёзма ишлар, сўровномалардан ташқари оғзаки савол-жавоблар орқали, ноанъанавий методлар, мунозара, мулоқот, баҳслар орқали ҳам олиб бордик.

Асосий эътибор қуйидагиларга қаратилди:

- Миллий ғурурнинг мазмун ва моҳиятига;
- Мустақиллик шароитида ўқувчиларда миллий ғурурнинг шаклланишдаги;
- Ўқувчилар таҳсил олаётган қайси фанлар кўпроқ миллий ғурурни шакллантиришга йўналтирилганлигига;
- Дарсдан ташқари қандай тарбиявий тадбирлар ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилаётганлигига;
- Ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шаклланишига ёрдам берадиган омилларга;
- Ўзбек спортчиларининг эришган ютуқларига;
- Ўзбек миллатига хос фазилатларга;

- Мамлакатимиз ёшларининг миллий урф-одат, удум, анъана, қадриятларимиз ва миллий тарихимизни етарли даражада билишларига эътибор берилди.

Ўқувчиларнинг бу борадаги билим, кўникма ва малака даражаларини баҳолашда беш баллик системадан фойдаландик. Диққат-эътиборни ўқувчилар томонидан амалга оширилган ишларга, сўровномаларда берилган саволларга берган жавоблари таҳлили уч даража юқори, ўртача, қуйи даражалар тарзида баҳоладик. Умумий баҳолаш барча кўрсаткичлар бўйича баҳоларни умумлаштириш йўли билан амалга оширилди.

Тажриба-синов жараёнларини ўтказишда тажриба-синов гуруҳларида 204 нафар ўқувчи олинди. Тажриба гуруҳлар учун алоҳида материаллар тайёрланди. Натижалар таҳлил қилинганда қуйидаги кўрсаткични берди:

Юқори даража-ўқувчилар миллий ғурур тушунчасини етарли биладилар, ўз фаолиятларига татбиқ эта олади.

Ўрта даража-ўқувчилар миллий ғурур тўғрисида муайян тушунчага эга. Аммо амалиёт, ҳаётий жараёнда миллий ғурурнинг тарбияланганлиги тўроқ намоён бўлмайди.

Қуйи даража-бу гуруҳга кирган ўқувчиларнинг миллий ғурур тўғрисидаги тушунчалари паст, саёз. Шу боис, амалиёт жараёнида камроқ намоён бўлади.

Ўқувчиларда миллий ғурурнинг шаклланганлик даражасининг кўрсаткичлари (тажриба якунида)

-жадвал

Даража кўрсаткичлари	Назорат гуруҳлари ўқувчиларда миллий ғурурнинг шаклланганлик даражаси		Тажриба-синов гуруҳлари ўқувчиларда миллий ғурурнинг шаклланганлик даражаси	
	Ўқувчилар сони	Фоииз ҳисобида	Ўқувчилар сони	Фоииз ҳисобида
Юқори даража				
Ўрта даража				
Қуйи даража				

Ўтказилган тажриба-синовларидан кейин ўқувчиларда миллий ғурурнинг шаклланганлик даражасини ушбу
$$X^2 = \sum_{k=1}^m \frac{(V_k - P_k)^2}{P_k}$$
 математик-статистик формула ёрдамида аниқланади. Уларнинг натижалари тадқиқот хулосаларига кўра илмий жиҳатдан асосланди. Тажриба-синов ишлари 1-сон Самарқанд педагогика коллида ўтказилган тадқиқот натижалари юқорида қайд этилган даражаларнинг мезони бўйича гуруҳларга ажратилди. Ўқувчилар сони умумлаштирилиб тажрибагача ва тажрибадан ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланди. Тажрибагача 160 нафар қуйи қуйи даражадаги, 60 нафар ўрта даражадан, 80 нафар юқори даражадан ўқувчилар эканлиги маълум бўлди. Тажриба-синов ишларидан кейин 33 нафар ўқувчининг шаклланганлиги қуйи даражада, 80 нафар ўқувчининг тарбияланганлиги ўрта даражада 100 нафар ўқувчининг шаклланганлик даражаси юқори эканлиги маълум бўлди. Ўқувчиларда миллий ғурурнинг тарбияланганлик даражаси юқорида келтирилган математик формулада текширилди. Бунда, P_2 -30% (қуйи), 30% (ўрта) ва 40% юқори. V_k -эса 10% (қуйи), 40% (ўрта) ва 50% (юқори) даражадаги қийматларга эга бўлди. Бу $X^2(X_{\text{и-квадрат}})$ қуйидагича ифодаланди.
$$X^2 = \sum_{k=1}^m \frac{(V_k - P_k)^2}{P_k}$$

Ушбу топилган қийматлар ҳисобланганда қуйидаги натижани берди:

$$X^2 = \frac{(20-60)^2}{60} + \frac{(80-60)^2}{80} + \frac{(100-80)^2}{80} = 38,2.$$

Демак, квадратик четналиш $X \approx 6,2$ га тенг бўлади. Бунда T кузатиш $> T$ критик эканлиги қўлланилган тадқиқот ғоялари педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантиришдан далолат беради.

Тадқиқот дисперциясини ушбу формула билан

$$\bar{S} = \sqrt{S^2} = \sqrt{\frac{\sum_{k=1}^m (V_k - X)^2}{n}} \quad \text{деб ҳисоблаймиз.}$$

$$\text{Баҳолашга кўра: } O^2 = \frac{1}{n-1} \sum_{n=1}^n (x - x_1)$$

Бу ($X_{\text{и-квадрат}}$) қуйидагича ифодаланади.

$$X^2 = \sum_k^m \frac{(V_1 - P_1)}{P_2}$$

m	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
X _k	8	10	6	6	7	3	6	12	8	4

$$X^2 = \frac{1}{n} \sum_{n=1}^m X_2 \quad X = \frac{1}{10} \sum_{n=1}^{10} X_2 = \frac{70}{10} = 7$$

Демак, ўрта арифметик қиймати 7 эканлиги маълум бўлди. Агарда $T_{\text{кузатиш}} > T_{\text{критик}}$ бўлса, гуруҳларда қўлланилган тадқиқот ғоялари асосида, тарбиялаш усуллари ҳақида гапириш мумкин. Бундан $X \approx 2,5$ эканлиги $T_{\text{куз}} > T_{\text{кир}}$ дан.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш жараёнини ўрганиш ва уни аниқлаш учун мазкур жараённинг баъзи жиҳатларига тегишли бўлган маълумотларни бир тизимга келтириш имкониятини берди.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, таълим-тарбия жараёни юқори поғонага кўтарилиши, жисмонан соғлом, маънавий етук, мустақил фикрга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор соҳаларидан бири этиб белгиланди. Чунки, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”. Озод ва обод жамиятни барпо этишда миллий ғурури юқори бўлган ёшларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Сабаби, миллий ғурури бор инсон, эл-юрт, миллат ва жамият манфаатлари йўлида хизмат қилади. Ватаннинг келажаги учун қайғуради, қийинчиликлар олдида эанкираб қолмайди.

Педагогик, илмий-методик адабиётларда, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлар Миллий дастурида ва шу асосда яратилган дастурлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда, мухтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида, маърузаларида, халқ билан бўлган учрашувларида билдирилган фикрларида ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш долзарб масалалардан бири эканлиги ўз ифодасини топган. Ўқувчиларнинг миллий ғурурини тарбиялаш учун, аввало уларнинг онгида миллий ғурурнинг шакланганлик даражасини ўрганиш, шу асосда унинг шакл, метод ва тизимларини ишлаб чиқиш зарур. Ана шу эҳтиёжларни таъминлаш учун илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, ўқувчилар билан баҳс-мунозаралар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш, саёҳатларга бориш, реферат, мустақил ишлари ёзиш каби методлардан фойдаланилди. Тажриба-синов ишларини таҳлил этиб қуйидаги хулосага келдик:

 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида илгари сурилган педагогик ғоялар, Вазирлар Маҳкамасининг касб-хунар коллежлари

тўғрисидаги қарорлари, миллий ғурур туйғусини ўқувчи-ёшлар онгига сингдириш ишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади;

✚ Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурур туйғусини шакллантиришда тушунтириш, намуна кўрсатиш, руҳини кўтариш, суҳбат, ўз-ўзини таҳлил қилиш, рағбатлантириш, ўқувчилардаги миллий ғурурни тарбияланган даражасини бир-бири билан қиёслаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади;

✚ Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда оила, таълим муассасалари, маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш лозим;

✚ Ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг имкониятларидан имкониятларидан оқилона фойдаланиш;

✚ Ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашда интерфаол методлардан фойдаланиш бугунги куннинг асосий талабидир;

✚ Ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашда аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларнинг имкониятларидан етарли даражада фойдаланиш керак.

Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантиришни такомиллаштириш учун қуйидагилар тавсия этилади:

✚ Олий ўқув юртларининг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни шакллантиришга оид услубий қўлланмалар, тавсиялар тайёрланиб, уларга етказиб берилса;

✚ Педагогика коллежи ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга оид матеиралларни ёритиш учун оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан етарлича фойдаланилса;

✚ Ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашда аудиториядан ташқари тарбиявий тадбирларни ўтказишга оид бугунги кун талабаларига жавоб берадиган сценарийларга эҳтиёж сезилмоқда;

✚ Педагогик коллежларининг ўқув режаларига киритилган ижтимоий-гуманитар фанларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилса;

✚ Ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга оид фикрлар комилликнинг маънавий-маърифий ишлар режасидан кенгроқ ўрин олса;

✚ Коллеж ҳовлиси, аудитория ва ўқув хоналарида ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантиришга оид ҳикматли сўзлар, шиорлар илиб қўйилса баркамол авлод тарбиялашдек давлат буюртмаси бажарилган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “ Маънавият”, 2008 - йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 1992, 46 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992, 46 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997, 63 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1993, 216 б.
6. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: Ўзбекистон, 1994, 160 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999, 48 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат -Т.: Ўзбекистон, 1992, 62 б.
9. Каримов И.А. Улуғлари эъзозланган юрт завои кўрмагай / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2001, 25 август
10. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон 1997, 324 б.
11. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддас. -Т.: Ўзбекистон, 1995, 275 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998, 686 б.
13. Баркамол авлод орзуси // Курбонов Ш., Сайидов Х, Аҳлиддинов Р. тўлдирилган иккинчи наشري – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
14. Б.Ҳакимова. Ўқувчиларни миллий ғурур руҳида тарбиялашга ўқитувчиларни тайёрлаш. //Халқ таълими. №6, 1997, 23-27 б.
15. Ватан туйғуси /А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жураев. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 439 б.
16. Зиёев Ҳ Истиқлол-маънавият негизи. Т.: Маънавият, 1999й 190 б
17. Зиёев Ҳ. Ўзбек халқининг шаклланиши. /Гулистон, № 4. 1990й.
18. Зуннунов А. Ўзбек педагогикаси тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1997 й. -272 б.

19. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Масъул муҳаррир: Н.Комилов.-Т: «Шарқ», 1998. -240б.
20. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. -Т.:Фан, 1994 й. -133 б.
21. Мунавваров А. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 1996 й. -200 б.
22. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ. Т.: «Шарқ», 1998 й, 320 б.
23. Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий ғурур. (Ўқув қўлланма).-Т.: “Ўқитувчи”, 1999, -200 б.
24. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчиларида маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед. фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Т.: 1993, 364 б.
25. Нишонова С. Миллий қадриятлар ва баркамол инсон тарбияси. / Халқ таълими. 1999 йил, №3, 16-19 б.
26. Педагогика курси. Турсунов И., Нишоналиев У. -Т.: Ўқитувчи, 1997 й. -232б.
27. Педагогика Мавлонова Р. ва бошқ. – Т.: Ўқитувчи 2001 й, 512 б
28. Педагогика тарихидан хрестоматия. Тузувчилар: О.Ҳасанбоева. -Т.: Ўқитувчи, 1993 й. -206 б.
29. Пўлатов Х. Мустақиллигимиз қадриятлари. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 й. 11 июн.
30. Рўзиева Дилноз Исомжоновна. Олий таълим муассасалари ўқувчиларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари.// 13.00.01 – Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи// Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертасия. 243 б.
31. Тоҳиров О. Ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятларини эъзозлаш руҳида тарбиялаш. / Халқ таълими, 1992 й. -4-5 б.
32. Фалсафа қомусий луғат. -Т.: Шарқ, 2004, 492 б.
33. www.ziynet.uz

ИЛОВАЛАР

1-илова

1-сон Самарқанд педагогика коллежи 1-босқич ўқувчиларига миллий ғурур туйғусини шаклланганлик даражасини ўрганиш бўйича С Ў Р О В Н О М А

Хурматли ўқувчи ушбу сўровнома илмий-тадқиқот мақсадида ўтказилаяпти. Шу боис фикр-мулоҳазаларингизни холис баён қилишингизни сўраймиз. Жавоблар учун олдиндан раҳмат!

1. Миллий ғурур деганда нимани тушунасиз? Фикрингизни қисқача баён қилинг. _____

2. Тенгдошларингизнинг ғурури қай даражада деб ўйлайсиз?

Паст

Ўртача

Юқори

3. Бугунги кунда сиз нималардан кўпроқ ғурурланасиз? Фикрингизни қисқача баён қилинг. _____

4. Сиз ўқиб ўрганаётган қайси фанлар миллий ғурурингизни шакллантиришга кўпроқ ёрдам бермоқда? _____

5. Ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим деб ўйлайсиз? Фикрингизни ёзинг. _____

6. Ғурури паст бўлган тенгдошлангизни кўрганингизда қандай ҳолатга тушасиз? Фикрингизни баён қилинг. _____

2-илова

**1-сон Самарқанд педагогика коллежи 2-босқич ўқувчиларига
миллий ғурур туйғусини шакллантириш ўрганишга оид
С Ў Р О В Н О М А**

Ҳурматли ўқувчи ушбу сўровнома илмий-тадқиқот мақсадида ўтказилаяпти. Шу боис фикр-мулоҳазаларингизни холис баён қилишингизни сўраймиз. Жавоблар учун олдиндан раҳмат!

1. Ўқувчида миллий ғурур туйғусини шаклланишига ёрдам берадиган омилларга нималар киради? _____

2. Миллий давлат рамзларимиз миллий ғурурни шакллантиришга ёрдам берадими? Фикрингизни ёзинг. _____

3. Миллий қадриятларимизнинг миллий ғурурни шакллантиришдаги ўрнига ўз муносабатингизни билдиринг. _____

4. Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби тарихий шахсларнинг миллий ғурурни шакллантиришдаги имкониятларини қандай баҳолайсиз? _____

5. Ўзбек спортчиларидан кимларнинг эришган ютуқлари сизда миллий ғурурни шакллантиришга ундайди? _____

6. Самарқанддаги қайси тарихий ёдгорликларни кўргансиз ва улардан фахрланаяпсизми? Фикрингизни ёзинг. _____

**1-сон Самарқанд педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиларида
миллий ғурурнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш
С Ў Р О В Н О М А С И**

Ҳурматли ўқувчи ушбу сўровнома илмий-тадқиқот мақсадида ўтказилаяпти. Шу боис фикр-мулоҳазаларингизни холис баён қилишингизни сўраймиз. Жавоблар учун олдиндан раҳмат!

8. Ўзингизни миллий ғурури шаклланган шахс деб ҳисоблайсизми?

Ҳа

Йўқ.

9. Қайси миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланасиз? Мисоллар келтиринг. _____

10. Алишер Навоийнинг миллатимизнинг маънавий тараққиётига қўшган ҳиссаси билан ғурурланасизми? Сабабини кўрсатинг. _____

11. Айтингчи, уч йил давомида предметларнинг қайси бири сизда кўпроқ миллий ғурурни шакллантирди? Фикрингизни ёзинг. _____

12. Миллий ғурурни шакллантиришга йўналтирилган қайси тадбир сизда кўпроқ таассурот қолдирди? Мисоллар келтиринг. _____

13. Ўзбек миллатига хос қайси фазилатлардан сиз ғурурланасиз?

14. Ғурури йўқ инсоннинг қиёфасини кўз олдингизга келтириб, мулоҳазаларингизни ёзинг. _____

**1-сон Педагогика коллежи ўқитувчиларига ўқувчиларда
миллий ғурурни шакллантириш даражасини ўрганиш бўйича
С Ў Р О В Н О М А**

Ҳурматли устоз ушбу сўровнома илмий-тадқиқот мақсадида ўтказиляпти.
Шу боис фикр-мулоҳазаларингизни холис баён қилишингизни сўраймиз.
Жавоблар учун олдиндан раҳмат!

7. Бугунги ёшларда миллий ғурурни шаклланганлик даражаси қай
даражада деб ўйлайсиз?

Паст

Ортача

Юқори

8. Ҳозирги ёшлар миллатимиз келажаги йўлида дуч келадиган
қийинчиликларга тайёр деб ўйлайсизми? Фикрингизни ёзинг.

9. Ўзбекистоннинг замонавий ёшлари қайси фазилатлар хоҳлайсиз?

10. Сиз сабоқ бераётган фан ўқувчиларда миллий ғурур қай даражада
шакллантиради? Фикрингизни баён қилинг. _____

11. Ўқувчиларда аудиториядан ташқари қандай тадбирларни кўпроқ
ўтказиш уларда миллий ғурурни шакллантиришга хизмат қилади деб ўйлайсиз?

12. Сиз фаолият кўрасатаётган коллежда ўқувчиларда миллий ғурурни
шакллантиришга оид қандай тадбирлар кўпроқ ўтказилмоқда? Фикрингизни
мисоллар ёрдамида ёзинг. _____

**1-сон Педагогика коллежида фаолият кўрсатаётган гуруҳ раҳбарларини
ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантириш юзасидан олиб бораётган
ишларини ўрганиш юзасидан
С Ў Р О В Н О М А**

Ҳурматли устоз ушбу сўровнома илмий-тадқиқот мақсадида ўтказилаяпти. Шу боис фикр-мулоҳазаларингизни холис баён қилишингизни сўраймиз. Жавоблар учун олдиндан раҳмат!

1. Сиз раҳбарлик қилаётган гуруҳда ўқувчиларнинг миллий ғурурини шакланганлик даражаси қандай? (Қайси гуруҳ, неча йилдан бери ушбу гуруҳга раҳбарлик қилиб келасиз? Қисқача маълумот беринг)

Паст

Ўртача

Юқори

2. Гуруҳингиз ўқувчиларини Регистон майдонига, Улуғбек расадхонасига, “Isuzi”, “MAN” автомобил ишлаб чиқарадиган корхоналарга саёҳатга олиб борганмисиз?

Ҳа

Йўқ

Келажакда олиб бораман

3. Ўқувчилар билан миллий ғурурни шакллантиришга оид суҳбатлар ўтказиб турасизми? Мисоллар келтиринг. _____

4. Даср ва дарсдан ташқари пайтда миллий ғурурни шакллантиришга оид ўтказилган тадбирларда интерфаол усуллардан фойдаланасизми? Фикрингизни ёзинг. _____

5. Ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантириш борасида яна қандай ишларни амалга ошириш лозим? Фикрингизни баён қилинг. _____

6. Ўқувчи ёшларда миллий ғурурни шакллантиришга оид ўтказилган тадбирларнинг самараси ҳақидаги фикрларингиз. _____
